



ХАСР

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

15 (121)-сон, 2006 йил 13 апрель

www.21asr.com

3 СИЁСАТ

Барқарор иқтисодиёт омиллари нималардан иборат?

7 ИҚТИСОД

451,2 млн. сўм эвазига 1180 та янги иш ўрни

9 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Берлускони сиёсий саҳнани тарқ этмайди. Аммо...

1996 йилда ишга туширилган "Чиноз тўқимачи" Ўзбекистон—Туркия—Япония қўшма корхонаси айни кунга келиб, мамлакатимиздаги йирик sanoat корхоналаридан бирига айланди. 600 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар Туркия, АҚШ, Италия, Греция, Португалия, Бельгия ва Франция каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Жамoa йилга 5300 тонна тола ва 2500 тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, янги товар айланмаси 6 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Мавжуд цехлар юқори қувватли хорижий ускуналар билан жиҳозланган. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш имконини бераётди.



Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида энергия ресурслари, биринчи гада, кўп миқдорда энергия сарф этадиган тармоқлар — кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси каби соҳаларда тежамкорликни қатъият билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Электр энергиясини тежаш — давр талаби

■ Акмал НАЗАРОВ, ЎзА мухбири

Бугунги кунда дунёда энергия ресурслари танқислиги ва нархининг мунтазам ортиб бораётгани энергия захираларидан унумли, тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо этмоқда. Пойтахтимиздаги асосан электрон техника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "FOTON" очик акциядорлик жамиятида бу борада муайян ишлар амалга ошириляётди.

— Электр энергиясини сезиларли даражада тежайдиган лампочкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйгандик, — дейди "FOTON" ОАЖ бошқаруви раиси ўринбосари Аҳмад Раҳматов ЎзА мухбирига. — Бундай лампочкалар одатдагидан 5,5 баробар кам электр энергия сарфлайди. Унинг чидамлилиги ҳам 10 баробар кўп — одатдаги 1000 соат бўлса, янги лампочкаларимизга 10000 соатлик кафолат муддати белгиланган.

Корхонамизда куёш энергиясини бевосита электр энергиясига айлантириб берадиган ускуналар ҳам ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Улар, айниқса, чекка кишлоқларда жуда қўл келади. Яна бир янгилик иситгич коллекторлари билан боғлиқ. Улар куёш нури ёрдамида сувни иситиш имконини беради. Шу йўл билан кишда хонадонларни бемаъл иситиш мумкин.

Корхонамизда ишлаб чиқариляётган маҳсулотлар Россия Федерацияси, Украина каби давлатларга экспорт қилинаётди.

Навоий вилояти ҳудудда азал-азалдан миллий хунармандчилик, жумладан касаначилик ҳам ривожланган. Бугунги кунда ҳам Нуротада каштачилик, Кармана ва Қизилтепада кулолчилик ва зардўзлик, Навбахорда устачилик ва сондўзлик, Хатирчида бешикчилик ва сандиқсозлик, Томди, Учқудук ва КониMex туманларида гиламчилик, наматчилик, тери ва мўйнадан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш аънавалари давом этиб келаётди.

Касаначиликка — кенг йўл

■ Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири

Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони эса бу борадаги ишларнинг кўламини янада кенгайтирди. Уй меҳнати билан шуғулланаётганларни ижтимоий ҳимоялаш учун қонуний асос яратилди. Шу пайтга қадар фақат кичик корхоналар билан шартнома асосида ишлаб келган касаначилар эндиликда йирик sanoat корхоналари билан ҳам ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, ушбу фармон асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аёллар меҳнатини уй шароитида ташкил этишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу йил вилоятдаги 40 дан ортиқ sanoat корхонаси томонидан қарий беш минг киши касаначилик асосида иш билан таъминланади. Уларнинг ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Мазкур фармон асосида тузилган дастур бўйича вилоятда 2006-2007 йилларда саккиз ярим минг киши шартнома, 3 минг киши пудрат шартномаси асосида ва 1200 нафар киши оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ҳисобига иш билан таъминланади. Мавжуд sanoat корхоналари томонидан ишлаб чиқариш тизимига мувофиқ тарзда тикувчилик, ипакчилик, атторлик, қайта ишлаш, мебликачилик ва сервис хизмати кўрсатиш соҳаларида касаначилик йўлга қўйилмоқда.

Маҳалла сайлов тараддудиди

Юртимизда кўркам ва озода, одамлари аҳил-иноқ маҳаллалар сони тобора кўпаймоқда. Бу, албатта, фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари иш фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз бераётганидан далолатдир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қарори қабул қилинганидан сўнг ҳар бир маҳаллада фаоллик ошди. Сайловга қизгин тайёргарликка киришилди. Бу борада Тошкент шаҳар Миробод туманидаги "Янгимиробод" маҳалласи фуқаролар йиғинида олиб бориляётган тадбирлар ибратлидир.

■ Нормурод МУСОМОВ

— Сайлов кампанияси ҳаммавақт барчамиз учун жуда муҳим ва долзарб давр ҳисобланади, — дейди фуқаролик йиғини раиси Собиржон Толибжонов. — Биз ушбу тадбирга бор имкониятларимизни ишга солган, демократия тамойилларига амал қилган ҳолда тайёргарлик кўрмоқдамиз. Таклифнома ва бошқа ҳужжатлар тахт қилиб қўйилди. Сайловдан-сайловгача бўлган давр учун ҳисоботлар тайёрланмоқда. Режа асосида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

"Янгимиробод" маҳалласи ҳудудида 1500 нафар фуқаро истиқомат қилади. Шундан 1029 нафари сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга. 12 нафар уй бошлиғи, 7 нафар посбон, 15 нафар маҳалла кенгаши аъзоси, тафтиш, яраштирув, маросимларни ўтказиш комиссияларининг фаоллиги бугун ҳар қачонгидан ошган. Улар сайловни ташкил этишга кўмаклашувчи "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармаларининг ҳудудий бўлимлари, Хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаркати билан биргаликда иш олиб бормоқдалар.

"Янгимиробод" лиқлар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ушқоқлик ва фаоллик билан ўтказишларига шак-шубҳа йўқ. Чунки улар маҳалла истиқболни, бу ердаги ижтимоий муҳит, фуқароларнинг муаммолари ҳал этилиши оқсоқолга, унинг маслаҳатчилари ва йиғин кенгаши таркибига кўп жиҳатдан боғлиқ эканини яхши биладилар.

Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаркати ва шифокорлар йиғинида "Саховат" хайрия тадбирини мунтазам ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

«Саховат»нинг ёрдами

■ С.ШУКУРОВ, ЎзА мухбири

Бундан кўзланган мақсад ёлғиз кишилар, қариялар, ногиронлар, кўп болали оилаларга ёрдам бериш, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдан иборат. Бу ташаббусга қатор ташкилотлар ҳам қўшилди. Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят кенгаши "Саховат" совғаларини уйларга етказиш учун ўз транспортини таклиф этди. Март ойида автомобиллар колоннаси бир неча туманларда бўлди.

Апрель ойида эса вилоят прокуратураси, "Тасвирий ойна" уюшмасининг вилоят бўлими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вилоят фермерлар уюшмаси ва телерадиокомпанияси навбатдаги тадбирини уюштирди. Тадбир қатнашчилари Олтинқул, Балиқчи ва Улуғнор туманларида бўлиб, 90 та оилага совғалар топширди. Олтинқул туманидан Мадраҳимовлар ва Қосимовлар оиласига, Балиқчи туманидан Мелихон Носирова ҳамда Робияхон Тошпўлатовага биттадан сигир берилди. Балиқчи туманидаги "Омонарчи" маҳалласида истиқомат қилувчи Фогина Софинага ногиронлар аравачаси топширилди.

Узоқ ва яқин хорижда

Украина

Ташриф кечиктирилди

Россия президенти Владимир Путиннинг Киевга ташрифи Украинанинг янги ҳукумати шакллантирилганидан кейин амалга ошадиган бўлди, деди президент Виктор Ющенко чоршанба кuni ўтказилган матбуот анжуманида.

«Президент Путин Киевга янги ҳукумат шакллантирилгани ҳамда Украинадаги ички сиёсий жараёнлар тартибга солинганидан кейин келади», — деди у.

Ющенконинг сўзларига қараганда, бундан аввал Россия Федерацияси президентининг ташрифи апрель охири — майга режалаштирилган эди. Бироқ томонлар ташрифни кейинроқ муддатга қолдириш ҳақида келишиб олдилар.

Путин билан энергетика соҳасидаги, шунингдек, чегараовди ҳамкорлик ва Украинанинг Европа Иттифоқи ҳамда Шимолий Атлантика тузилмаларига кириши масалаларини муҳокама қилишни истардим, деди Ющенко.

«Мен президент сифатида Украинанинг миллий манфаатларига амал қиламан. Бизнинг манфаатларимиз бирон-бир давлатга қарши қаратилмаган. Қўшнилар, шу жумладан, Россия билан ҳам яхши алоқаларни уйғунлаштириб борамиз», — деб ишонтирди Ющенко.

Туркменистон

Кимга фойда-ю кимга зиён?

Президент Сапармурот Ниёзов 2009 йилдан бошлаб Хитойга ҳар йили 30 миллиард кубометр газ сотиш режалари борлигини эълон қилди. Мамлакат 2007 йил учун Эронга 14 миллиард кубометр газни хозирдаёқ сотиб юборди. Агар Ашхобод бу мажбуриятларни бажарса, у ҳолда «Газпром»ни қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки мазкур компанияга 2009 йилдан бошлаб ҳар йили 80 миллиард кубометргача газ етказиб бериш учун ресурслар етмай қолиши мумкин.

Куни-кеча Туркменистон президенти Пекинда «Туркменистон ва ХХР ҳукуматлари ўртасида газ қувури ётқи-зиш ҳамда Туркменистоннинг табиий газини ХХРга сотиш ҳақида бош битим» имзолангани хусусида батафсил сўзлаб берди. Унинг сўзларига қараганда, Хитой 30 йил мобайнида ҳар йили Туркменистоннинг 30 миллиард кубометр газини харид қилишга кафолат берган. Амударё газ қонларидан Шанхайга кадр тортиладиган қувурларнинг узунлиги 4 минг километрни ташкил этади. У Қозғонистон ва Ўзбекистон ҳудудларидан ўтади. Бу республикалар билан газ олиб ўтиш ҳақида музокаралар ўтказиш-ни Хитой ўз зиммасига олган.

Покистон

Хиёбондаги фожиа

Расмий маълумотларга қараганда, Карочи шаҳридаги хиёбонлардан бирида содир этилган портлаш натижасида 57 киши ҳалок бўлган.

Портлаш диний маросим — маҳаллий суннийлар Мухаммад пайғамбарнинг туғилган кунини байрам қилишгаётган пайтда рўй берган. Унлаб кишилар ярадор бўлган. Покистон маъмурулари уюштирилган бу кўпурувчиликни текшириш ҳақида фармойиш берганлар.

Халок бўлганлар орасида таникли дин арбоблари ҳам бор. Бундай хатти-харакатни уюштиришда қимдан шубҳа қилинаётгани ҳақида маъмурулар хали ҳеч нима деганлари йўқ.

Гувоҳларнинг айтишларича, портловчи қурилма ёғочдан ясалган саҳна остига қўйилган экан. Саҳнада эса маҳаллий диний жамоа оқсоқоллари ўтиришган эди. Портлашдан кейин диндорлар тўпланган хиёбонда саросималик бошланган.

Покистон полицияси ва қарбийлар вазиятни назорат остига олишга ҳаракат қилганлар, аммо баъзи одамлар уларга тош отишган, хавфсизлик таъминланмагани учун улар айбдор, деб ҳисоблашган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 11 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни қўриштириш, шунингдек, бошқоқ ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	884,55	1 Миср фунти	211,51
1 Англия фунт стерлинги	2120,30	1 Исландия кронаси	16,64
1 Дания кронаси	197,35	1 Канада доллари	1058,55
1 БАА дирхами	330,86	1 Хитой юани	151,71
1 АҚШ доллари	1215,21	1 Малайзия ринггити	331,35

1 Польша злотийси	370,95	10 Жанубий Корея вони	12,78
1 СДР	1756,78	10 Япония иенаси	103,05
1 Туркия лираси	908,91	1 Россия рубли	44,02
1 Швейцария франки	935,28	1 Украина гривнаси	44,02
1 ЕВРО	1472,11		

Бунёдкорлик

Она тарихнинг гувоҳлик беришича, улуг авлод-аждодларимиз қанчалар синов ва машаққатларни, мустамлакачилиги босқинчилик азобларини бошдан кечирмасинлар, ҳар қандай шароитда ҳам ўзларининг ким ва қандай улуг зотларнинг авлодлари эканини эсдан чиқармаганлар, ўз ақл-заковатлари, юксак фазилат ва хислатлари ила ўтмишдошларига нисбатан ворислик туйғуси билан яшаб келганлар. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, бундай олийжаноб ҳис-туйғу халқимизга ҳамisha куч-қудрат бағишлаб, улкан бунёдкорлик ишларига даъват этган, ҳаёт аталмиш улкан неъмат йўлларидан турли синовлар, бало-қазолардан асраган. Бир сўз билан айтганда, кимлигимиз, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигимиз ҳамisha бизга куч-қувват бағишлаб келган.

Аъзам КОДИРОВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ

Халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик фазилатлари хусусида сўз борганда, беихтиёр ана шу мулоҳазалар тилга кўчади. Айниқса, истиқлол йиллари юртдошларимиз куч-қудрати янада жўш урди. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин де-

лий инъикосидир.

Кувонарли томони шундаки, айни пайтда шаҳарларга нисбатан қишлоқ ҳудудларида саноатни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишга бирламчи эътибор қаратиламоқда. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қад ростлаётган лицей ва коллежлар, Қорақалпоғистонда ташкил этилаётган минглаб фермер хўжаликлари бунёдкорликнинг ажойиб на-



лиш корхонаси жамоаси Андижон вилоят марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этмоқда.

Жамоа меҳнати билан яқин кунларда Андижон шаҳридаги Амир Темури шохқўчасида 720 ўринли яна бир академик лицей биноси фойдаланишга топширилади. Тендер баҳоси 1 млрд. 895 млн. 777 минг сўмни ташкил этган бу замонавий меъморилик услубида бунёд этилаётган масканда иқтисодиёт ва муҳандислик ин-

тирган тажрибаси тўғрисида ўз устозларини жамоамизга муҳасамалаштиришга эришди. Бош муҳандис Саидхўжа Саидхўжаев, участка бошлиғи Бобохон Мирзаев, иш юритувчи Аскаралӣ Каримқуллов, бригада бошлиғи Алижон Хусанов, Халимжон Абдурахмоновлар сўздидилдан ишлаб, ёшларга билим, маҳоратларини ўргатишга эришди.

Ҳозир корхона таркибиде 500 дан зиёд қурувчи-муҳасасис меҳнат қилмоқда. 8 та қурилиш бригадаси ўзaro беллашиб ишлаяпти. Ёгочни қайта ишлаш, темирсозлик цехлари, автотранспорт ўрнак илғорликда барчага ўрнак бўлишга эришди.

Андижон иқтисодиёт-муҳандислик институти академик лицейи қурилиши ўтган йилнинг февраль ойида бошланган эди. Ҳозиргача асосий ишларнинг 95 фоизга бажарилиши қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари самарасидир. Улар, мазкур объектдаги ишларни давом эттириш билан бирга, аввалги йили қурилган академик лицей учун 200 ўринли ётоқхона, Андижон шаҳрида 630 ўқувчи мўлжалланган уч қаватли 49-умумтаълим мактаби, Шаҳрихонда 720 ўринли академик лицей бинолари қурилишида ҳам иштирок этмоқдалар.

Фойдаланишга топширилаётган иншоотларнинг сифати яхши бўлаётгани тўғрисида корхона муҳасасисларига буюртмалар сони ҳам кўпайиб бораёпти. Шу боис жамоа қошида яна иккита шўъба корхонаси ташкил этилди.

Бунёдкорлар ҳомийлик борасида ҳам ўрнак кўрсатмоқдалар. Жумладан, вилоят марказидаги мактабгача умумтаълим муассасасига 1 миллион сўм атрофида амалий ёрдам берилди. Амир Темури шохқўчаси бўйида йўловчилар учун 2 минг квадрат метрдан кўп майдонга махсус плиткалар, ёриткичлар ўрнатилди, фавворалар ишга туширилди. Корхонада қурувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўтаётган байрамларда тўқин дастурхон ёзиш, совға-саломлар улашиш яхши анъанага айланган. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 70 минг сўмни ташкил этапти. Бундан ташқари улар учун икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилган.

Бу йилги асосий мақсад, Ўзбекистоннинг энг тараққий этган вилояти — Андижонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшишдир.

Энг аҳамиятли томони шундаки, бундай бунёдкорона ишларда жонбозликни хусусий сектор вакиллари — тадбиркорлар ва ишбилармонлар ўз зиммаларига олмақдалар. Мамлакатдаги тинчлик ва осойишталикдан, барқарорликдан энг кўп манфаатдор бўлган мазкур қатлам вакиллари мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Ўзининг 140 мингдан зиёд аъзосига эга бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси эса ана шу шижоатли қатламнинг сиёсий қарашларини ифода этмоқда. Бу эса яна бир қарра барқарорлик ва тинчлик, осойишталик ҳамда тараққиёт йўлидаги интилишларимиз масъулият ҳисси билан йўғрилганини кўрсатади.

ДОНО ва софдил одамларнинг бутун куч-ғайрати доимо инсон роҳат-фароғати ва бунёдкорлик ишларига йўналтирилади



Андижон. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2004 йил 7 майдаги қарорига асосан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз келажаги йўлидаги меҳнати, интилиши, изланишлари, жамоат ишларидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик кўникмаларини ошириш мақсадида "Ишбилармон ўқувчи" махсус стипендиеси таъсис этилган бўлиб, ҳар йили ўтказилаётган бу анъанавий кўрик-танловда республикамиздаги кўплаб академик лицей ва касб-хўнара коллежларининг ўқувчилари фаол қатнашмоқдалар. Ҳозирги пайтда ушбу тадбирнинг туман босқичлари партиянинг туман кенгашлари ташкилотчилигида юқори савияда ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири куни-кеча Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-хўнара коллежиде бўлиб ўтди. Танловда 30 нафар талаба беллашди. Коллежнинг 3 нафар иқтидорли талабаси туман босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бухоро. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги О'зЛиДеП депутатлик гуруҳлари аъзолари учун ташкил этилаётган доимий семинарларнинг навбатдаги ўқув машғулотлари партиянинг Бухоро вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим марказида "Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий мавзёсини оширишда О'зЛиДеП депутатларининг вазифалари" мавзусида бўлиб ўтди. Семинар-тренинг ишида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги О'зЛиДеП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари, партиянинг Бухоро вилоят кенгаши ходимлари, шаҳар, туман партия кенгашлари раислари ва раис ўринбосарлари, барча туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг маънавий-ахлоқий ва диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди. Тадбирни О'зЛиДеП Бухоро вилоят кенгаши раиси М. Зокиров олиб борди.

Аҳолининг бандлик даражасини кўтариш, ишга лаёқатли аҳоли қатламларини касаначилик асосида ишлаб чиқаришга жалб қилиш, ижтимоий таъминотни мустаҳкамлаш мавзусида "Тадбиркор аёл" уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари Д. Аҳмедова, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўлилари ҳақида партия вилоят кенгаши масъул ходими Г. Ҳасановнинг маърузалари тингланиб, атофлича муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар хотин-қизларнинг жамият тараққиётида тугган ўрни, вилоятда уларга яратилган имкониятлар ва шарт-шароит, жумладан, тадбиркор, фермер аёлларнинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида қўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу борадаги муважуд муаммолар, уларнинг ечими ҳақида қимматли таклифларни ўртага қўйдилар.

Тошкент шаҳри. О'зЛиДеП шаҳар кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида "Ёшларда фуқаролик позициясини шакллантириш муаммолари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Йигит-қизларда мустақил фикрлаш, шахсий позицияга эга бўлиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Тошкент шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти масъул ходимлари иштирок этишди ҳамда чиқишлар қилдилар. Суҳбат чоғида ёшлар онги ва тафаккурини демократик тамойиллар ва фуқаролик позицияси асосларини сингдиришда нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

О'зЛиДеП Дастурида инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда юртимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, узок умр кўришни таъминлаш масалаларига кенг ўрин берилган. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан О'зЛиДеП Яққасарой туман кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирилик ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида "Яшаш учун ҳаракат қил: сил касаллигидан холи дунё" шиори остида республика халқ чолгу ансамбллари ва оркестрларининг V фестивали ўтказилди.

Айни пайтда республикамизнинг барча вилоятлари сил касаллигининг олдини олишга қаратилган профилактик хизматлар билан қамраб олинган бўлиб, тиббий ходимларнинг бевосита назорати остида қисқа муддатли даволаниш курслари йўлга қўйилган. Мазкур тадбирдан кўзда тутилган мақсад ҳам бундай касаллик профилактикаси ва унга қарши курашишга жамоатчилик эътиборини жалб қилишдан иборатдир. Икки кун давом этган ушбу фестивалда республикамиздаги қатор мусиқа мактаблари, лицей, коллеж, санъат ва маданият йўналишидаги ўқув юртлари, профессионал жамоалар иштирок этишди.

Тадбир сўнггида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва бир қатор ҳомий ташкилотлар томонидан вилоятлардаги касалхоналарга моддий ёрдам кўрсатилди.

Фарғона. Партия ҳудудий кенгашлари томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир Президент фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлашга бағишланган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бешариқ ва Тошлоқ туман кенгашлари ташаббуси билан Бешариқ касб-хўнара коллежиде ва "Ахшак" маҳалласида "Президент фармонлари — амалда" мавзусида давра суҳбатлари ташкил қилинди. Унда партия фаоллари, фермер ва тадбиркорлар, бир қатор ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди. Катнашчилар Президентнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада кискратриш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш партия фаоллари олдида турган устувор вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб, бир қатор қимматли таклифлар киритдилар.

Тадбирда асосий эътибор хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқий кафолатлари ва эркинликлари, бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими масалаларига қаратилди.




мократик жамият барпо этиш юртдошларимизнинг бош мақсадига айландики, истиқлолнинг дастлабки йилларида экилган ниҳолларимиз бугун ўз медалларини бера бошладилар. Тараққиётнинг босқичма-босқич принципларига асосланган йўлимиз бизга энг муҳим нарсани — ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз янги ҳаёт қуриш имкониятини берди.

Бугун ҳеч бир иккиланшиларсиз айтиш мумкинки, юртимизнинг қай гўшасида бўлманг, қад ростлаётган муҳташам иморатлар, қурилаётган маҳобатли кўприклар, иш бошлаётган янги-янги корхоналарни кўриб, қалбингиз фахр-ифтихорга тўлади. Шу юрт фарзанди эканлигингиз, амалга оширилаётган улугвор ишларга оз бўлса-да, даҳлдор эканлигингиздан гурурланиб кетасиз. Мамлакатимиз қудрати, салоҳияти йилдан-йилга ортиб бораётганидан қувонасиз.

Аслини олганда кейинги йилларда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига кўникиб қолдик. Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни арафасида пойтахт — Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида албатта тарихий аҳамиятга молик бирон-бир иншоот ёки санъат, маданият ёхуд маърифатга даҳлдор кошонанинг тантанали очилиши ажойиб анъанага айланиб қолди. Азалий ва баҳорий байрам — Наврўз кунлари ҳам албатта ёқимли янгилик ва хушxabарларга бой бўлади.

Бугун Қаршининг 2700 йиллиги, 2000 йиллиги тантанали нишонланганидан Марғилон шаҳарларида бўлсангиз, ушбу қадимий гўшаларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, бошингиз осмонга етасиз. Буларнинг бари мустақилликнинг илк йилларида бошланган ислохотларнинг самараси, юртимиздаги тинчлик, осойишталик, истиқлол берган имониятларнинг ама-



мунасидир. Яқинда кўзга кўринган нашрларимиздан бирида Бухорода қирқинчи хусусий меҳмонхона ишга туширилгани тилга олинган бўлса, Марғилонда яна бир қўшма корхона иш бошлагани хабар қилинади. Мамлакатимизнинг энг йирик вилоятларидан бири бўлиши Андижонда эса ўтган йилнинг ўзида 9 та коллеж, 20 та қишлоқ врачлик пункти, 10 дан зиёд спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 89 та умумтаълим мактаби мукамал таъмирланди. Аҳолини сув ва газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида бир неча километр масофага қувур тортилди. 155 та кўп қаватли уй таъмирланди. 2 та буюм, 1 та деҳқон бозори, 10 дан зиёд савдо мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Бунёдкор - 2000" ишлаб чиқариш савдо ва қури-

стипутининг бўлажак талабалари билим оладилар.

"Бунёдкор - 2000" мутахассислари бош пудратчи бўлиб, бу иншоотда кенг қўламдаги қурилиш ишларини бажаряптилар. Ишнинг сифатли ва замонавий талаблар асосида бўлиши асосий эътиборда.

Корхона жамоаси қисқа муддат ичида вилоятдаги катта қурилиш корхоналари ўртасида ўзининг муносиб ўрнини топди. 2004 йилда бош пудратчи сифатида педагогика институти қошидаги академик лицей биносини битказиб, фойдаланишга топширган эди. Бу вазифани бажариш улар учун тажриба мактаби бўлди. Қурувчилар ўтган йили асосий қурилиш объектидаги ишларни тўхтатмай, эски шаҳар ҳудудида янги буюм бозори راستаларини, вилоят марказидаги ўрта мактаб би-

ёрдам бериб, тажриба орттирдик. Корхонамиз бошлиғи Шамсиқамар Рустамов бунёдкорлик жуда олийжаноб ва сазоватли иш эканлигига икром бўлиб, қурилиш билан астойдил шуғулланмишга аҳд қилди. Ўз фаолиятини қурилишда оддий ишчилардан бошлаган йигит йиллар мобайнида орт-

Тизимли ривожланишдан — барқарор иқтисодиёт сари

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ана шундай концепция илгари сурилди

Ўзбекистон — ўз салоҳиятига монанд ривожланишга қодир, улкан имкониятга эга қудратли мамлакат. Иқтисодий туб ислохотларнинг “ўзбек модели” фавқуллодда ҳаётбахш ва самарали стратегия эканлигини 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари яна бор амалда исботлаб берди. Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаси нафақат иқтисодиётдаги бундан кейинги ялпи туб ислохотларни амалга оширишнинг асосий дастурига айланди, балки айни пайтда миллий тараққиёт режаларини комплекс мувофиқлаштириш асосида мамлакат тизимли ривожланишининг, барқарор иқтисодий юксалишининг янги сифат шаклларига ўтишга тайёргилини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тасдиқловчи сиёсий таълимот бўлди.

ри самараси, деб ҳулоса қилиш имконини беради.

Янги дастурларга эҳтиёж

Кучли иқтисодиётгина барқарор ривожланади, мамлакатни тизимли такомилнинг янги сифат шаклларига ўтишини таъминлайди. Ўзбекистон кучли давлат мақомида кучли иқтисодиётнинг ана шундай янги сифат шаклларига тайёрдир. Маъруза мундарижасидан келиб чиқувчи бош ҳулоса бу!

Аслида ушбу шакллarning назарий модели машур беш тамойил, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштиришнинг олти устувор йўналиши, Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти асослари-

юқори суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган. Яна бир долзарб вазифа саноат корхоналарининг ҳудудий жойлашуви ва таркибини такомиллаштириш, жойларда уларнинг филиалларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация ҳамда технологик янгилашга йўналтирилган хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб қилишдан иборат.

Учинчидан, асосий эътибор хусусий секторни янада кенгайтириш, бизнес учун қўлай муҳит яратиш, унинг ҳуқуқий кафолатини янада муштахкамлашга қаратилади лозим. Бу устувор соҳалар, шубҳасиз, янги махсус давлат дастурларига эҳтиёж сезмоқда. Ана шу мақсадда хусусийлаштиришнинг янги дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Хусусий мулкдорларга бинолар ва иншоотларни улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштириш ҳуқуқини бериш, яқна тартибда уй-жой куриш учун ер участкаларини белгиланган меъёрлар доирасида ажратиб ҳисобига хусусийлаштириш жараёнларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, хусусий бизнес кафолатларини муштахкамлаш орқали бизнес ҳаражатларини камайтириш, суд тизимини янада муштахкамлаш билан боғлиқ ислохотларни чуқурлаштириш лозим.

Тўртинчидан, нафақат ижтимоий-сиёсий, айни пайтда иқтисодий муаммо бўлиши бандлик масаласини ҳал қилиш, одамларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш борасида мавжуд қарорлар ҳамда дастурларни амалга ошириш механизми белгилаб берилди. Қарорлар ва дастурлар амалий аниқ иккун талаб қилади. Улар қамрови ниҳоятда кенглиги ва барчаси аниқ мақсад — аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга қаратилганлиги билан эътиборга молик.

Бешинчидан, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибини шакллантириш, экспорт салоҳияти ўсишида хусусий сектор улушини ошириш орқали ташқи савдо ва валюта бозорини янада эркинлаштириш вазифаси қўйилди. Бу устувор масалада асосий вазифа амалдаги маъмурий, божхона, банк расм-русумларини чуқур таҳлил қилиш, рақобатга бардошли маҳсулотларнинг экспорти учун янада кенроқ имкониятлар яратишни талаб этади.

Олтинчидан, уй-жой-коммунал хўжалиги ислохотларини янада чуқурлаштириш кўзда тутилди. Мақсад уй-жой мулкдорлари ширкатларини ўз мақомига кўра зарур ваколатга, имтиёз ва преференцияларга эга бўлган ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтларига айлантиришдир. Афсуски, ширкатлар ханузгача ҳақиқий уй-жой мулкдорлари бирлашмаларига айлангани йўқ. Боз устига, коммунал хизматлар, пудрат ва таъмир ишлари бозорлари шакллантирилмаган. Мавжуд камчиликларга барҳам бериш учун ҳуқуматга ва тегишли мутасадди ташкилотларга икки ой муддатда ширкатларни муштахкамлаш, уларга реал маблағлар ажратиш бериш, соҳадаги монополияларни тугатиш, таъмирлаш ҳамда коммунал хизматларнинг ҳақиқий бозорини шакллантириш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Еттинчидан, жаҳонда энергия ресурсларининг танқислиги ва нархи мунтазам ошиб бораётган ҳозирги шароитда, айниқса, кўп миқдорда энергия сарф этувчи тармоқларда қаттиқ тежамкорликка эришиш чораларини кўриш лозим бўлади. Гарчи республика бу масалада ўзини ўзи таъминласа-да, лекин мавжуд ресурсларга ҳужжатларча муносабат ҳеч қандай қониқтирмайди. Саноат корхоналарида энергия сарфи жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан 2-2,5 марта ортиқлиги, ўлчов асбобларининг йўқлиги, амалиётдаги мавжуд қингирликлар энергетика комплексида кенг чора-тадбирлар мажмуини зудлик билан амалга оширишга тақозо этмоқда. 2006-2100 йилларга мўлжалланган шундай тадбир - дастур ишлаб чиқиш ва унда энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни ҳисоб-китоб ҳамда назорат қилиш қоидалари такомиллаштирилиши, энергия сарфлайдиган асбобларнинг жаҳон стандарти меъёрларига мос келишини мажбурий сертификация қилиш, муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш каби чоралар амалий ижросини топиши кўзда тутилди.

Иккинчидан, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, қўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида, аввало, нефть-газ мажмуида, электр энергетикаси ва рангли металлургия соҳаларида ишлаб чиқаришнинг барқарор ҳажмларини сақлаш, машинасозлик, енгил саноатни янада


ни шакллантиришнинг етти устувор мақсад-вазифалари билан боғлиқ ялпи сиёсий таълимот мундарижасида мўхиятган мавжуд эди. Тадрижан бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги сифат босқичида ана шу мўхият ботиндан зоҳирга юз очди.

Ҳўш, янги сиёсий ва иқтисодий режалар амалий жиҳатдан қандай белгиланди?

Биринчидан, диққат марказида, аввало, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари юқорилигини, мутаносиб макроеқтисодий кўрсаткичлар устуворлигини таъминлаш бўлди. Бунинг учун жорий йилда саноат маҳсулотлари ҳажмини 9 фоиз, аграр соҳа тиштираётган маҳсулотлари 5,2 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасини 13,2 фоиз, савдонини 8,5 фоиз ошириш ва инфляция даражасини 6-8 фоиз даражада сақлаш орқали ялпи ички маҳсулотни 7,2 фоиз, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 6 фоиз кўпайтириш назарда тутилган. Ўз навбатида даромад солиқлари 15 фоиздан 12 фоизгача, яғна ижтимоий тўлов 25 фоизгача қамаяди, дивидендлар ва фоизлар бўйича даромад солиғи 15 фоиздан 10 фоизга туширилади. Бюджетдаги ташкилотлар ходимлари иш ҳақи 1,4 марта, аҳолининг реал пул даромадлари қамда 20 фоиз ошади. Муҳими — кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш, йирик ва кичик ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперацияни, касаначиликни кенгайтириш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган микрокредитлаш, микролизинг механизмлари ва ҳажмининг кенгайтириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Кутилаётган иқтисодий ўсиш бюрократик тўсиқларни, бизнес юретишга салбий таъсир кўрсатаётган барча сабабларни кескин бартараф этишни, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини тўлиқ таъминлашни, маъмурий ислохотлар доирасида лицензиялар ва турли рўхсатномалар бериш расм-русумларини кескин қисқартиришни талаб қилади.

Иккинчидан, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, қўламини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида, аввало, нефть-газ мажмуида, электр энергетикаси ва рангли металлургия соҳаларида ишлаб чиқаришнинг барқарор ҳажмларини сақлаш, машинасозлик, енгил саноатни янада



Тўртинчидан, хусусий сектор фаолиятини янада кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжалиқлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришда туб бурилишга эришилди. Кичик бизнес объектлари сони 310 мингдан ортиб кетди. Уларнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 38,2 фоизни ташкил этди. Яратилаётган қўшимча иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади.

Фермер хўжалиқлари ўтган йили пахтанинг 65, ғалланинг 56 фоиздан ортиқроқ қисмини етказиб берганига алоҳида эътибор қаратиш лозим, албатта.

Бешинчидан, корхоналар молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат органларининг аралашуви кескин чекланди, хўжалик субъектлари, тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ҳамда ҳуқуқлари кенгайтирилди. Жумладан, ойллик ҳисоботлар 5 баробар, солиқ ҳисоб-китоблари ҳужжатлари 10 баробар қисқариб, рўхсат бериш билан боғлиқ 12 та расм-русум бекор қилинди. Энг муҳими — хўжалик субъектлари фаолиятини назорат органларининг текшириш натижалари бўйича қарорларини суд идоралари орқали амалга ошириш тартиби ўрнатилди.

Олтинчидан, ижтимоий соҳадаги ислохотлар самарадорлиги одамларнинг ижтимоий аҳоли яхшилашига олиб келди ва олиб келмоқда. Ўтган йили бюджет соҳасида хизматчилар иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар 40 фоиз оширилди, аҳолининг реал даромадлари 22 фоиз кўпайди.

Ана шу тарихда республикамизнинг 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, барқарор иқтисодий юксалиши, биринчидан, маърузада кайд этилган рақамлар билан уларнинг аниқ таассуротлари ҳамоҳанглигида, яъни, таъбир жоиз бўлса, шакл билан мазмун уйғунлигининг вобаста эканлигида, иккинчидан, энг муҳими — иқтисодий ўсиш суръатларининг асосий манбалари қўлай ташқи омиллар ҳамда хом ашё ресурсларига жаҳон нархлари эмас, балки бозор ислохотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта уйланган модели, узок муддатга мўлжалланган, босқичма-босқич амалга оширилаётган тизимли изчил, қатъий савий-харакатлар дасту-

Саъдулла ТОЖИЕВ, иқтисод фанлари номзоди

Кучли давлатгина халқ фаровонлигини таъминлайди

Мазкур миллий гоя Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги дастурий маърузасининг ялпи мундарижасидан, илгари сурилган истикболли янги гояларнинг муштарак мазмунидан келиб чиққан ялпи таълимот ҳисобланади. Давлат, жамият ана шу янги гоялар тизими — винтэссенция асосида ўз ривожининг истикболдаги аниқ стратегиясига эга бўлди.

Янги сиёсий-иқтисодий фалсафанинг моҳияти ва унинг амалдаги дастлабки самаралари 2005 йилда қандай омилларга асосланган ҳолда яқун топди?

Биринчидан, янги иқтисодий тафаккур самараси ўлароқ, иқтисодиётда сифат ўзгариши юз берди. Иқтисодиёт тизимли ҳамда таркибан изчил янгилаштирилди ва янгилашмоқда. Жумладан, макроеқтисодий мутаносиблик таъминланди, ишлаб чиқариш, соҳа ва тармоқларнинг жадал ривожланиши иқтисодий ўсишнинг кафолатига айланди, миллий демографик хусусиятлар, бандлик, аҳоли даромадларини кўпайтириш билан боғлиқ ўта муҳим муаммолар ҳал этилиб, ички ва ташқи инвестицияларга кенг йўл очилди, иқтисодий мустақилликка эришиш имкониятини берувчи таркибий ўзгаришларни амалга оширишга киришилди. Натижада ялпи ички маҳсулот таркиби ижобий ўзгара бошлади: биргина ўтган йилда ЯИМда саноатнинг улуши 20,7 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасидаги улуши эса 38,5 фоиздан ортиқни ташкил этди. Ташқи савдода энг юқори кўрсаткич — 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта захираси 1,3 мартабга кўпайди. Энг муҳими — иқтисодиётимизнинг ташқи бозор ўзгаришларида барқарорлиги ортди.

Иккинчидан, иқтисодиётни либераллаштириш жараёнлари кенгайтирилди ва чуқурлашди. Солиқ юки камайтирилиб, тартиби соддалаштирилди, солиқ-бюджет сиёсати либераллашди ва унификация қилинди. Юридик шахслар даромадлари солиқлари 18 фоиздан 15 фоизга туширилди, яғна ижтимоий тўлов ставкаси 31 фоизгача қисқартирилди, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ўзгартрилиб, мулк солиғи ставкаси 3,5 фоизгача камайтирилди. Амалда жами 15,2 фоизни ташкил этган солиқ ва тўловлар ўрнига 13 фоизлик яғна солиқ тўлови жорий этилди, давлат бюджетига киримлар 22,6 фоиз қисқартирилди, ташқи савдонинг либераллаштириш, жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашув салмоқли натижалар берди.

Учинчидан, тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига асосий, жумладан, талаб-эҳтиёж катта бўлган моддий ресурслардан фойдаланиш имконини берувчи барқарор бозор механизми шаклланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарордан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Қарор ижросига бағишланди


Ўз мухбиримиз

Депутатлар мамлакат аҳолиси орасида миллий истиқлол гоясини кенг тарғиб этиш, жаҳонда ва юртимизда келажак жараёнларга онгли муносабатни, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларга ўз муносабатларини билдирдилар. Президентимизнинг мазкур қарорини қўллаб-қувватлаб, маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган Дастур ижросини таъминлаш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.М.Тешабоев Дастурда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда расмийлик ва юзакчиликка йўл қўймаслик, бу борада, айниқса, партия ташкилотлари алоҳида ўрнатилган лозимлигини таъкидлади.

Йиғилиш кун тартибидagi навбатдаги масала юзасидан депутат К. Жумамуратова сўзга чиқиб, йиғилганларни “Фирма номлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси билан таништирди. Халқаро таърибга асосан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси 16 моддадан иборат бўлиб, бу борадаги асосий тушунчалар, фирма номига оид ҳуқуқ бузилиши, уни ҳимоя қилиш ва бошқа масалаларни ўз ичига олган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, фирма номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштиришга, хўжалик фаолиятида рақобатни кучайтириш ва шу орқали тадбиркорликни ривожлантириш, интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларининг тўқнаш келиши ҳолларининг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Тошкентда “ЭКОСАН” экология ва саломатлик халқаро ташкилоти ташаббуси билан Жаҳон саломатлик кўнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, табибей олий ўқув юртилари ўқитувчи ва талабалари қатнашдилар.

Аҳоли саломатлиги йўлида

Ўз мухбиримиз

Анжуманда Юртбошимиз томонидан “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинган 2006 йилда “Экосан” олдидан турсан вазифалар ва амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва муштахкамлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жорий йилнинг “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинган ҳам фуқароларимиз соғлиғи ҳақида ғамхўрлик кўрсатилаётганига яна бир далиллар. Бу борада “ЭКОСАН”нинг ҳам ҳиссаси бор. Жумладан, мазкур йил дастурини амалга ошириш доирасида “ЭКОСАН”нинг саломатлик поездларини республикамизнинг экологик аҳоли мураккаб ҳудудларига жўнатиш жадвали ишлаб чиқилди. Поездлардаги шифокорлар жамоаси чекка ҳудудларда аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиб, зарур ёрдам кўрсатадилар. Учрашувда таъкидланганидек, шу каби саломатлик поезди яқинда Хоразм вилоятининг чекка туманларига бориб келди. Сафар чоғида Хазорасп, Орган, Гурлан туманларидаги шифокорлар ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда кам таъминланган оилаларга умумий қиймати 50 миллион сўмлик мурувват ёрдами топширилди.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI

WWW.21ASR.COM



КИШИНING ҚАЛБИ УНИНГ ҚИЛГАН ИШЛАРИДА АКС ЭТАДИ

Кичик жамоанинг катта ишлари

ёки бошланғич ташкилот фаоллари тadbиркорларга чинакам таянч бўлаётгани хусусида

О'zLiDeP туман кенгашида ушбу ташкилот фаолиятини ёритишни тавсия этишганида: "Кичик бир жамоа тўғрисида нима ҳам ёзиш мумкин?", дея бироз иккилангандим. Бироқ бу ердаги бошланғич партия ташкилоти аъзолари ва улар етакчиси билан яқиндан танишгач, фикримиз мутлақо ўзгарди. Айниқса, туман ҳокимлиги ҳузурида фаолият кўрсатаётган Тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи қабулхонасига «О'zLiDeP бошланғич ташкилоти» деб ёзиб қўйилгани эса, қалбда яна бир ёқимли илиқлик уйғотди.

Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири



Аммо очигини айтиш керак, бошланғич партия ташкилоти раиси билан суҳбатлашиш осон кечмади. Абдуғаффор эндигина дастлабки саволга жавоб бера бошлаганди ҳамки, кўлида ҳужжат билан бир аёл кириб келди. — Илтимос, кўл қўйиб берсангиз? — У хонани тарқ этмай туриб, яна икки киши кириб келди. Орада телефон орқали кимдир "Фермер" хўжалиги фаолияти масаласи юзасидан маслаҳат сўради. Ниҳоят...

— Жамоамиз жуда ихчам. Лекин ҳаммамиз Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзоларимиз, — деди раис суҳбат учун имкон туғилиши билан. — Мақтанишга йўлмангану, Давронбек Холмирзаев, Шахноза Норқўзиёва, Фазлиддин Қосимов каби фаолларимизнинг ҳар бири вақти келганда ўн кишининг вазифасини бажаришига қодир.

Шу пайт яна кетма-кет уч-тўрт киши "мумкинми?", дея кириб келишди...

Суҳбатимиз бўлингани ёқмасида, Абдуғаффорга мурожаат қилиб келганларнинг ҳолати барор бўлган

нидан мамнун бўлдим. Уларнинг аксарияти хонадан "катта раҳмат", дея мамнун чиқиб кетишди.

— Иш кунингиз ҳаммаша шу алфозда кечадими? — дедим таажжубланганимни яширмай.

Абдуғаффор кулиб кўйди.

— Айрим пайтлар шундай бўлиб туради. Бугунги таширларнинг боиси эса, Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдამчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори туфайлидир. Ушбу муҳим ҳужжатни амалга ошириш учун эҳтиёжманд ва кўп болали оилалардан 160 нафарига 500 минг сўмдан маблағ ажратилаяпти. Қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йўлларини томонидан тавсия этилган шундай оилалар кўрсатилган бу ғамхўрликдан жуда мамнунлар. Тегшлик ҳужжатларни расмийлаштиришга бўлимимиз ҳам бевосита алоқадор эканлиги боис, шу кунларда ишимиз анча кизиган.

— Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати нидан мамнун бўлдим. Уларнинг аксарияти хонадан "катта раҳмат", дея мамнун чиқиб кетишди.

Абдуғаффор Турсунов 1967 йилда Наманган туманининг Охунбобоев қишлоғида туғилган. 1992 йилда Наманган



саноат технология институтини тамомлаган. Айни пайтда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси раҳбари ҳамда бошланғич партия ташкилоти раиси. Халқ депутатлари туман кенгашининг депутати.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг III Съезди делегати, юрдошларининг ишончига сазовор бўлган депутат А.Турсунов партиянинг дастурий гоё ва мақсадларини кенг тарғибташвиқ қилиш баробарида туман ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган бошланғич ташкилот раисларидан бири, — дейди партия туман кенгаши раисининг ўринбосари Анваржон Абдуллаев. — Туман кенгаши аъзоси, партиядан сайланган депутат сифатида олиб бораётган ишларидан барча сафдошларимиз ибрат олсалар арзийди.

Ҳақиқатан ҳам кичик бир жамоода катта ишларни амалга ошираётган бошланғич ташкилот туман тadbиркорларининг чинакам таянчига айланганини кўриб, О'zLiDePга дахлдор ҳар қандай одам ҳам мамнун бўлиши аниқ. Айниқса, партиямиз суянаётган асосий қатлам — ишбилармонлар билан бевосита бирга ишлаётган ушбу ташкилотда янгидан хусусий иш бошламоқчи бўлаётганларга амалий ёрдэм берилаяпти. Илк бор рўйхатдан ўтаётган тadbиркорларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда "Тadbиркорлик субъектлари томонидан тақдир этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарори атофлича тушунтириляпти.

— Давлатимиз раҳбарининг тadbиркорликка оид Фармон ва қарорларидан сўнг тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратилди, — дейди

Партия хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ва унинг иқтисодийдаги ўрнини оширишга алоҳида эътибор беради. Бу соҳа фақат иш ўринлари яратибгина қолмай, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли даромадларининг ўсиши ва турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилмоғи лозим.

Аҳолининг барқарор иқтисодий тараққиёти ва фаровонлигини таъминловчи асосий шартлардан бири — мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини кучайтириш, бой табиий, минерал-хомашё захиралари ва меҳнат ресурслари, интеллектуал ва илмий-техникавий имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга йўналтирилган иқтисодийда таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан иборатдир.

О'zLiDeP дастуридан

А.Турсунов. — Биз эса уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш чора-тадбирларини амалга ошириш учун бор имкониятларимизни ишга солаёلمиз. Туманимизда яқка тартибда тadbиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилганларни 3 иш кунда, юридик макомга эга бўлган субъектларни эса 8 иш кунигача бўлган муддатда рўйхатга олиш тўла таъминланапти. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 215 ҳамда 255-сонли қарорлари бўйича ширкат хўжаликлари ўрнида фаолият бошлаётган фермерларни рўйхатга олишда инспекциямиз жамоаси астойдил жонқуярлик кўрсатмоқди. Тумандаги энг ибратли

бошланғич ташкилотлардан бири ҳисобланмиш жамоа бошқа оммавий-сиёсий тadbирларда ҳам ўрнак бўлмоқда. Масалан, Хомийлар ва шифокорлар йили дастури доирасида турли байрамларда ногирон, боқувчисини йўқотган оилаларга софга-саломлар улашаяпти. Қишлоқларни ободонлаштириш, болалар спортини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти. Бу эса, ўз навбатида аҳолининг партияга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Ишонч ва эътиқоднинг мустаҳкамлиги эса, шубҳасиз О'zLiDeP нинг омма орасидаги нуфузини оширишга хизмат қилаверади.

1978 йилда ўрта мактабни тугаллаган Аслон кўпчилик тенгдошларидан фаркли ўлароқ, ота касбини танламади. У ўз тақдирини туман марказида фаолият кўрсатаётган тикувчилик фабрикаси билан боғлашга қарор қилди. Мана, 23 йилдирки, ушбу корхонада ишлаб келмоқда.

Беш кўл баробар эмас

Олим Хўжаев,

— Халқимизда "Ёлғиз отнинг чанги чикмас..." деган нақл бор, — дейди О'zLiDeP Нурота тумани кенгаши раисининг ўринбосари Сайфиддин Нуриддин. — Аслон Соибов бунга яхши билади. Шу боис ҳам ўзидаги тadbиркорлик ва ташаббускорлик фазилатларини жамоадорларига ҳам "юктириш" ҳаракатида бўлаяпти ва бунга эришмоқда. Биз бундан икки йил муқаддам корхонада О'zLiDeP бошланғич ташкилотини тузаётган пайтда унинг етакчилигига номзод танлашда адашмаган эканмиз. Утган давр ичида ушбу ташкилот партия туман кенгашининг энг пешқадм ва жангвор бўғинларидан бирига айланди. Унинг етакчиси ва фаоллари туман кенгаши томонидан уюштирилаётган оммавий-сиёсий, маданий тadbирларда доимо фаол қатнашиб келмоқда. Жамоа нафақат ўзлари ишлаётган корхонада, балки туман маркази аҳолиси ўртасида, меҳнат жамоалари, ўқув юртлири ва маҳаллаларда ҳам партия гоёлари ва дастурий мақсадларининг чинакам тарғиботчилари сифатида танилган.

— Бозор иқтисодиёти шароитида яшаётганимизга 15 йил бўлаяпти ҳамки, ҳалигача бунинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаётган, тўғривоғи, боқимандалик кайфиятидан қутула олмаётган замондошларимиз ҳам бор, — дейди Аслон Соибов. — Биз ўзаро мулоқотларда, учрашув ва суҳбатларда Ватанимиз тараққиёти, истиқболи ҳар биримизнинг тadbиркор ва ишбилармонлигини ҳар томонлама ривожлантиришга нечоғлиқ ҳисса қўшаётганимизга бевосита боғлиқ эканлигини сингдиришга ҳаракат қилаёلمиз. Ўзбекистонимиз раўнақи, меҳнатга лаёқати ҳар бир кишининг онгли равишида фидокорона тер тўкишига боғлиқлигини тушунтираямиз. Узоққа боришининг эса ҳолати йўқ. Биргина бизнинг корхонамизда эришилаётган ютуқлар бунинг амалий ифодасидир.

Корхона раҳбари Фармон Иботовнинг сўзларига қараганда, бу ерда маҳсулотлар асосан буюртма бўйича тайёрланади. Кўрпа-ёстиқлару, аёллар ва эркеклар уст-бошларидан тортиб, шифокорлар иш кийимлари-ю, чойшбарларгача ишлаб чиқариламоқда. Асосий буюртмачиларидан бири Навоий тоғ-металлургия комбинати эканлиги эса, ўз-ўзидан бу ерда маҳсулот сифати юқори ва кафолатланганлигидан далолатдир.

— Корхона раҳбарининг ўзи ҳам партияимизнинг чинакам хайрихоҳларидан ҳисобланади — дейди бошланғич ташкилот етакчиси. — Шу боис ҳам ташкилотимизнинг тўлақонли фаолият юритиши учун барча шароит яратиб берилган. Алоҳида хона ажратилган. Бу ерда жамоа аъзоларининг партия тўғрисида етарли тушунчага эга бўлишлари, Низом ва Дастури билан яқиндан танишишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Партия аъзолари сони ҳам йил сайин кўпаймоқда. Бундан икки йил муқаддам ташкилотимизда беш киши ҳисобда турарди. Бугун улар сони 13 нафарга етди. Ойша Чўлиева, Курбонгул Қуролова, Зебо Қўлдошева, Марҳабо Хожиевалар ташкилотимизнинг энг фаол аъзоларидан ҳисобланишди. Улар нафақат корхонада, балки ўзлари яшаётган кўча, маҳаллаларда ҳам партия фаолиятини тарғиб қилиш, маслақдошларимиз сафини янада кенгайтиришни ўзларининг бурчлари деб билишди.

Бошланғич ташкилот хонаси нафақат партия аъзолари, барча ишчи-хизматчилар учун ҳам очик. Ушбу хонада илгор ишчилардан Мавлуда Файзуллаева, Зебо Каримова, Малҳат Миртожиева ва Нажмиддин Хожиевалар билан суҳбатда бўлдик. Уларнинг мамлакат сиёсий саҳнасида О'zLiDePнинг тугган ўрни, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидаги сай-ҳаракатларидан яхши хабардор эканликлари эса, бошланғич ташкилот яхши ишлаётганидан далолатдир.

Аслон Соибов, 1961 йилда Нуротада туғилган. 1984 йилда Тошкент политехникумини битирган. Айни пайтда тумандаги Аминжон Баротов номли хусусий тикувчилик корхонаси бош муҳандиси, О'zLiDeP бошланғич ташкилоти раисидир.

2006 йил 13 апрель, Пайшанба

15 (121) -сон

Мақсадимиз — сифатли хизмат кўрсатиш

Илгари хабар берганимиздек, Миллий матбуот марказида пойтахтимиздаги барча автосарой раҳбарлари ҳамда журналистлар иштирокида Юртбошимиз томонидан жамоат транспорти тизимида қўшимча ислохотларни ўтказишга доир қабул қилинган фармон ва қарорлар юзасидан очик мулоқот бўлиб ўтди.

Сайёра ТУРҒУНБОВА

Унда Тошкентда транспорт хизматини яхшилаш мақсадида автобус саройларида ҳайдовчи ва йўловчилар учун маънавий хизмат турларини яратиш, бекатларга махсус трафаретлар ўрнатиш, йўллардаги носозликларни тўзатиш, автобус ва бекатлар тозалигини назоратга олиш, шунингдек, рейсга чиқишдан олдин машиналарни техник ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, мулоқот чоғида журналистлар зиммасига жойлардаги шох-бекатларда олиб борилган ишлар ва бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида доимий ахборот бериб бориш вазифаси юклатилган эди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳрининг Юнусобод мавзёида жойлашган 8-сонли автосаройда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мақсадида корхона раҳбари Мирмахмуд МИРСОДИҚОВ билан суҳбатладик.

— **Юртимизда транспорт хизматини яхшилаш учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган автосаройда қандай янгилик ва ўзгаришлар бўлди?**
— Жорий йил бошдан бую автосаройда кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

ридли. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 11 январда имзоланган "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармон талаблари асосида ҳар бир йўловчи ташиш транспорти рейсга чиқишидан олдин техник, ҳар бир ҳайдовчи эса тиббий кўриқдан ўтказилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари, жойлардаги шох-бекатларда ҳайдовчи ҳамда йўловчилар учун маънавий хизмат турлари яратилиб, трафаретларни янгилаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, автокорхонамизнинг ҳар бир ҳайдовчи ва чиптачисига махсус кийим-бош тиктирилмоқда, чиптачилар муомала маданиятини ошириш бўйича махсус курслар ташкил этилди. Барча автобусларимиз капитал таъмирдан чиқарилди. Айтиш жоизки, бугунги кунда автокорхонамиз тасарруфида 76 та "Мерседес-Бенц", 15 та "ДЭУ" ҳамда 12 та "Отайл" русумидаги транспорт воситалари аҳолига (1 та автобус кунига ўртача 65-70 минг кишига) сифатли хизмат кўрсатмоқда.

— **Айтинг-чи, чиптачилар учун муомала маданиятини ошириш бўйича махсус курс ташкил этилишига нима сабаб бўлди?**
— Айрим чиптачиларимиз устидан тушган шикоятларни ўрганиш учун бир гуруҳ хо-

димларимиз билан ўзимизга қарашли автобусларга чиқиб, уларнинг ишлаш жараёнини кузатдик. Афсуски, баъзи чиптачиларимиз йўловчиларга дағал муомала қилишар экан. Шундан кейин автокорхона қошида махсус курс ташкил этиш фикри пайдо бўлди. Кўрилган бу чоранинг самараси ўлароқ бугунга келиб, аҳоли томонидан фақат миннатдорлик сўзларини эшитмоқдамиз. Аммо шу нарса ҳам айтиш жоизки, гоҳида йўловчилар томонидан автотранспорт салонларини ифлос қилиш, ҳиндикларга ёзиб ёки чишиб ташлаш, қопламаларни йиртиш ҳолатлари рўй бермоқда. Бундай бусғунчилик билан кўпроқ ёшлар шугулланишади. Фурбатдан фойдаланиб, айтмоқчи эдимки, азиз ватандошлар, жамоат транспортини озода, чиройли сақлаш нафақат бизнинг, балки сизларнинг ҳам бурчингиз хисобланади.

— **Маълумки, ютук бор жойда камчилик ҳам бўлади. Мавжуд муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўсангиз...**
— Дарҳақиқат, автокорхонамизнинг намунали хизмат кўрсатишига, бироз бўлса-да, тўққинлик қилаётган камчилик ҳам йўқ эмас. Жумладан, Юнусободнинг 17-даҳа-



сида жойлашган шохбекатни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини тугатган бўлсак-да, у ерга олиб борувчи йўллар носозлиги туфайли автобусларимиз тезда ишдан чиқмоқда. Шунингдек, йўллардаги ўнқир-чўнқир жойлардан ўтиш вақтида рўй берадиган қаттиқ силкинишлардан нафақат транспорт, балки йўловчилар ҳам азият чекмоқдалар.

— **Сизни "қаттиққўл раҳбар" дейишди. Бугунги кунда автокорхонада ўрнатилган тартиб-интизом балки шунинг самарасидир?**
— Биласиз, тартиб-интизом ўрнатилган жойда иш унумли бўлади. Қолаверса, 200 нафардан ортқ ходимимизнинг барчаси зиммасидаги вазифани чуқур англаган ҳолда ишга киришди. Эрталаб соат 5:15 да биринчи рейсга чиқилди.

Бунинг учун бизнинг фидойи ҳайдовчи ва чиптачиларимиз саҳарлаб соат 4:00дан тарадуд кўра бошлайдилар. Бундан ташқари, автокорхонада эрталабки тиббий кўриқдан ўта олман ҳайдовчиларимиз ўрнига доимо заҳирадаги ҳайдовчилар шай туришади. Демократик раҳбаримизнинг аҳолиноқлиги ва ўрнатилган тартиб-интизом туфайли автокорхонамиз бугунги кунда пойтахтимиздаги турдош корхоналар ичида энг яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Хулоса қилиб шунни айтишим мумкинки, шаҳримиздаги барча транспорт ходимлари олдида ягона мақсад турибди, у ҳам бўлса, йўловчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, шунингдек, аҳоли ҳаёти, саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Манзилнинг яқин, йўлингиз бехатар бўлсин!

СИЁСИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗЛАРИДА

Давлат рўйхатидан ўтган корхоналарда тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар сони жиҳатидан Тошкент вилояти республикада бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

Муҳокамаларда соғлом фикр туғилади

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази томонидан вилоят депутатлари, туман, шаҳар депутатлик гуруҳи раҳбарлари учун давра суҳбати шаклидаги семинар-тренинг ўтказилишидан қўзғалган асосий мақсад ҳам мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни, айниқса, аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ишлаб чиқилаётган янги қонун лойиҳаларини кенг оммага тақдим этиш ҳамда депутатлар ва фуқароларимиз ўртасида доимий алоқа ўрнатишга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатлари, партия фаоллари, ОАВ ходимлари иштирок этган навбатдаги тадбирни Сиёсий таълим маркази раҳбари Б. Ҷўрақулова кириш сўзи билан очди.

"Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси ўринбосари Гулнора Махмудова Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигининг ривожланиш тенденцияси, вилоятда уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш йўлида яратилган кенг имкониятлар билан бирга мавжуд муаммоларга тўхталиб, жумладан, фермер аёлларни қўллаб-қувватлаш, имтиёзли микрокредитлар беришни амалга ошириш жараёнлари, йирик ва кичик бизнеснинг ўзаро боғланиши, касаначиликни тўғри йўлга солишда вужудга келаётган масалаларда депутатларнинг ташаббускорлиги муҳим эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фаҳриддин Комиллов Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳасини тайёрлаш механизми ҳақида ахборот бериб, 2005 йилда жами 37 та қонун қабул қилинганлиги ҳақида гапирди.

Касаначилар учун янги имкониятлар

Ота-боболаримиз муҳтож кимсга яримта нон бериш савоб, аммо шу нонни ҳалол меҳнат билан топиш йўлини ўргатиш янада савобдир, дейишади.

Ана шу қоидага амал қилган Гурлан туман партия Кенгаши фаоллари тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида туман "Тадбиркор аёл" уюшмаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари билан ҳамкорликда тадбиркорликка аёлларни кенгроқ жалб қилиш юзасидан қатор тадбирларни ўтказмоқдалар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саннат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида туманда касаначилик билан шуғулланиш астагина билдирган ёшларни соҳага жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бошланган ишларнинг амалий давоми сифатида туман марказидаги Кенгашлар уйида замонавий услубда пардалар ва миллий услубда зар чопонлар тикиш бўйича ўқув курслари ташкил қилинди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи залида мазкур муассаса ҳамда Камолиддин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейи ҳамкорлигида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган "Суратларга битилган тарих" деб номланган кўргазма ташкил қилинди.

Шаҳринисо Қўлдошева

Тадбирнинг очилиш маросимида ЎзФА вице-президенти Т.Мирзаев, Камолиддин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейи директори А.Мадраимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, rassom Рустам Худойбергандон сўзга чиқдилар.

Экспозициядан 50 га яқин санъат асари ўрин олган. Улар орасида Ўзбекистон халқ rassomi, "Буюк олимлар учун" ордени соҳибидир М.Набиевнинг машҳур "Амир Темур" портрети, Ўзбекистон халқ rassomi Ж.Умарбековнинг "Буюк соҳибқироннинг элчиларни қабул қилиши", таниқли ҳайкалтарош А.Шоимуродовнинг Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Жомий портретлари, шунингдек, рангтаъсир усталари Э.Машарипов ва М.Собировнинг Темурийлар даврига бағишланган асарлари бор.

Кўргазмада, шунингдек, миниатюра, ёғоч ўймакорлиги оид асарлар ҳамда Камолиддин Бехзод номидаги боғ-музейи кутубхонасида сақланаётган ноёб кўлэмалар ҳам намойиш этилмоқда.

КУЛАЙЛИК

КЎРГАЗМА

Қарс икки қўлдан

банк мижоздан, мижоз эса банкдан манфаатдор бўлмоқда

Бугунги ислохотлар даврида банкларнинг бош вазифаси у ёки бу соҳада жамғарилган эркин пул маблағларини умумиқтисодиёт учун самарали соҳаларга йўналтиришдан иборатдир. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида банклар фаолиятига алоҳида тўхталиб, уларнинг низоми ва айланма фондларини кўпайтириш, маблағларни инвестиция мақсадларига, биринчи навбатда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш зарурлигига эътиборни қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Суҳбатдош: Шахзод НАЗАРОВ

Айни пайтда мамлакатимиздаги аксарият банклар иқтисодиётнинг устувор соҳаларини молиялаш, реал секторни, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга биринчи даражада аҳамият бермоқдалар. Улар орасида АТ "Пахтабанк" ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар айниқса, диққатга сазовор бўлмоқда.

— Кишлоқ ҳўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисоблангани боис АТ "Пахтабанк", жумладан, унинг Қашқадарь вилоят бошқармаси ҳам соҳа корхоналарини молиялашга алоҳида эътибор қаратаётти, — дейди бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Ўткир Бўтаев. — Ўтган йили вилоят бўйича бошқармаимиз томонидан етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва бошқа йўналишлар бўйича жами 116996 млн. сўм маблағ сарфланди. Шу ҳисобдан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга 13736, зарурий харажатлар-

га 1347, ёнилғи-мойлаш материалларига 2386 млн. сўм, техника ва эҳтиёт қисм, МТП хизматларига 2018, минерал ўғитга 2863 млн. сўм, банк кредит ва фоизларига 19822, электр энергияга 1148 млн. сўм ажратилди. Айнан 2005 йилда пахта ва галла ҳосилини аванслашда биринчи мартаба имтиёзли кредитлар ажратиш механизмидан фойдаланилди. Шу мақсадлар учун жами 20428 млн. сўмлик кредит маблағлари берилди.

Банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан кишлоқ ҳўжалик техникалари сотиб олиш учун 2045,6 млн. сўмлик кредит ажратилди. Жаҳон банкнинг кредит ресурслари ҳисобидан Нишон туманига 21 та "ВТ-150", бир нечта "ТТЗ-80" тракторлари, 9 та культиватор, 43 та бошқа техника воситалари келтирилди.

— **Аҳоли ва корхоналарга хизмат кўрсатишда жойларда ташкил этилаётган минибанкларнинг роли йил сайин ортиб бормоқда. Бу борада вилоятда қандай ишлар амалга**

оширилмоқда?

— Бошқарманинг туман филиаллари қошида айни пайтда 100 та кичик банк фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 78 таси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, 22 таси эса бевосита банк ташаббуси билан ташкил этилди. Уларни мутахассис кадрлар билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Бугунги кунда ушбу шохобчаларда 107 нафар олий, 177 нафар ўрта махсус ва 11 нафар ўрта маълумотли мутахассис ишляпти. Улар жами 6170 та, яъни 5337 фермер ҳўжалиги, 835 та савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларига хизмат кўрсатишаёпти.

Жойларда ана шундай шохобчаларнинг иш бошлагани аҳоли ва ташкилотларга қулайлик яратиш билан бирга банк маблағларининг ҳам сезиларли даражада ортишини таъминлади. Шунингдек, жойларда консалтинг хизмати кўрсатиш, банк билан боғлиқ масалаларда бевосита маслаҳат бериш имконияти юзга келди.

— **Бугунги ўзаро рақобат шароитида мижозлар кўнглига йўл топиш ҳам осон кечмаётган бўлса керак?**
— Бу бор гап, албатта. Шу боис бор имкониятларни ишга солиб ишлашга тўғри келяпти. Айниқса, аҳоли бўш пул маблағларини омонатга жалб этишда банклараро рақобат жуда кучли. Банк бошқаруви томонидан йўлга қўйилган, бири-биридан имтиёзли ва қулай "Машиш тўлов", "Саховат", "Баҳор", "Болалар — келажакимиз", "Пахтакор", "Фаровонлик", "Оқ олтин", "Барака", "Навни-

ҳол", "Навбахор" омонат турларини жорий этганимиз боиси ҳам ана шунда.

— **Кўп эмасми?**
— Бу йил улар сонини янада оширишни режалаштирганмиз. Чунки бусиз мумкин эмас. Мижозларни янада кўпроқ жалб этиш учун мутахассисларимиз тимисиз изланмоқдалар. Янги омонат турларидан ташқари, аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш мақсадида жойларда ҳаракатдаги кўчма кассалар ташкил этилди. Хуллас, рақобатга дош бериш осон кечмаяпти.

— **Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратиляпти. Уларга турли даражадаги кредитлар ажратилляпти. Айтинг-чи, берилаётган кредитлар ўзини оқлайптими? Янаям тўғрироғи, бундан банк қандай манфаат кўраёпти?**
— Бозор иқтисодиёти шароитида ҳеч ким зарарга ишламайди. Жумладан, банклар ҳам. Мижозларга хизмат кўрсатиш, хусусан, турли кредитлар беришда АТ "Пахтабанк" катта тажриба тўплаган ва молиявий барқарор муассасалардан бири ҳисобланади. Албатта, кредит ажратишда "Етти ўлчаб, бир кес" ақидасига қатъий амал қилинади. Шунингдек, берилган маблағдан қай мақсадда фойдаланаётганини ҳам назорат қилиб борамиз. Лозим бўлса, ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатамиз. Шу боис 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига кичик бизнес субъектларига ажратилган жами кредит қўйилмалари

ҳисобидан, яъни 4413,3 млн. сўмлик кредит қолдиғидан 2005 йил давомида 2317,2 млн. сўм кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилди.

Бундан ташқари, ўтган йил давомида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ресурси ҳисобидан 404,6 млн. сўм ҳамда АТ "Тадбиркорбанк" жамғарман маблағи ҳисобидан бошланғич сармоёни шакллантириш учун 18,6 млн. сўм миқдоридида кредит ажратилди. Умуман олганда, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1080 млн. сўм кредит бериш режалаштирилган бўлса, амалда ушбу кўрсаткич 1092,7 млн. сўмга бажарилиди. Бошқа турли ҳисоблардан ҳам хусусий тадбиркорлик вакилларини қўллаб-қувватлаш учун қилинган харажатлар яхши натижа берди.

— **Янги иш ўринлари яратиш давримизнинг энг муҳими ва долзарб масалаларидан биридир. Бошқарма 2005 йилда бу ишга қай даражада ҳисса қўнлди?**
— Ўтган йили ўз маблағимиз ҳамда бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан ажратилган 451,2 млн. сўм маблағ эвазига вилоятда 1180 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, банкларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида тугган ўрни жуда баланд. Шу боис ишни барча йўналишлар бўйича юқори даражада ташкил этишга ҳаракат қилаётишимиз. Зеро, мамлакатимиз қанчалар тараққий этиб, халқимиз қанчалик бой бўлса, банклар фаолияти ҳам шунчалик ривож топиб боравереди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ


БАНК ТИЗИМИ

XXI ASB@yahoo.com

Она-табиат бизга мерос эмас...

ҲАР ЙИЛИ 20–30 МЛРД. ҚАТТИҚ (ШУЛАРДАН 50–60 ФОИЗИ ОРГАНИК БИРИКМАЛАР) ҲАМДА 1 МЛРД.ГА ЯҚИН ТУРЛИ ГАЗЛИ ВА АЭРОЗОЛ ЧИҚИНДИЛАР ЧИҚАРИЛАДИ.

Инсоният яралибдики, доимо тараққиётга интилади, янгилар яратди. Бироқ ўз оламини ўзгартириш йўлидаги бу ҳаракатлари билан гоҳида билиб-билмай атроф-муҳитга зарар етказиб қўяди. Оқибатда турли экологик муаммолар пайдо бўлади, табиатда салбий ўзгаришлар рўй бериб, яна инсониятнинг ўзини қийноқларга солади. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи маълумотларига қўра, бугунги кунда табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш ҳамда инсониятнинг экология, атроф-муҳитга бефарқлиги боис, ер юзиданоёб қушларнинг 94 тури, шунингдек, ўсимликлар ривожига таъсир кўрсатувчи ҳашаротларнинг 63 тури йўқолиб кетган.



Сайёра ЗАМОН кизи

Бундан ташқари, олиб борилган тадқиқотлар натижасида атмосферага ҳар йили 20–30 млрд қаттиқ (шулардан 50–60 фоизи органик бирикмалар) ҳамда 1 млрд. тоннага яқин турли газли ва аэрозол чикиндилари тарқалар экан. Оқибатда кўпбаламлакатларда, хусусан, Тасмания кенгликларидан ер таркибининг бузилиши, ўсимлик турларининг камайиши ва иқлимнинг кескин ўзгариши кузатилмоқда. Шунингдек, бетакрор табиатининг гўзаллиги билан дунёга машҳур Исландияда қалин ўрмонли худудлар аввал 40 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб 0,5 фоизга тушиб қолди.

Бу каби мисолларни кўпбаламлаштириш мумкин. Сабаби — оламда рўй бераётган бундай экологик муаммолар борган сари чуқурлашиб, табиатушнослар, экологлар, шу соҳага алоқадор барча мутахассислар ва одамларни ташвишга солмоқда. Шу жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни асраб-авайлаш йўлида олиб берилган изланишлар жараё-

нида мамлакатимиз наботот оламида ҳам қатор муаммолар мавжудлиги маълум бўлди. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 4500 дан ортиқ олий навли ўсимликлар тури мавжуд бўлиб, улардан 400 га яқини йўқолиб кетиш арафасидадир. Ачинарли томони шундаки, бу каби нодир ўсимликларнинг йўқолиб кетишига асосан улардан табобат тартибсиз фойдаланиш, шунингдек, ривожланиши учун қулай ер майдонларининг пала-партиш равишда ўзлаштирилиши сабаб бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан илк бор рангли “Қизил китоб” нашрдан чиқарилди. Унда асосан йўқолиш арафасида турган шифобахш, манзарали ўсимликлар, қўзиқорин турлари рўйхати келтирилган. Ушбу нашрдан кузланган мақсад, атрофдагилар ҳамда мутасадди ташкилотлар диққат-эътиборини мазкур муаммага жалб этиш ҳамда тугуннинг ечимини топишда ёрдамга чорлашдан иборат. Айтиш

жоизки, бундан йигирма икки йил олдин чоп этилган “Қизил китоб” саҳифаларига йўқолиш арафасида турган ўсимликларнинг 163 та тури киритилган эди. 1998 йилда чоп этилган “Қизил китоб”дан эса 301 та ўсимлик ўрин олган. Сўнгги саккиз йил мобайнида “Ботаника” илмий-тадқиқот маркази олимлари олиб борган изланишлари натижасида мамлакатимиз ҳудудларида 6 та ноёб, олий навли ўсимлик ва 3 та камёб қўзиқорин тури кашф этил-

ди ҳамда жорий йилнинг март ойида чоп этилган янги “Қизил китоб”га киритилди. 336 арақли ушбу қўланма ўзбек, рус, инглиз тилларида босилган бўлиб, унда барча ўсимлик ва қўзиқорин турлари алифбо тартибда берилган. Китобнинг ҳайвонот оламига бағишланган иккинчи қисмини эса шу йил апрель-май ойларида чоп этиш режалаштирилган. Энг асосийси — ушбу китоб соҳа мутахассислари, мутасадди ташкилотлар, қўриқхона хо-

димлари ва республикамиз барча фуқароларининг диққат-эътиборини энг долзарб экологик муаммоларга қаратади. Зеро, табиат ва инсон ўзаро узвий боғланган бир бутун борлиқ бўлиб, айнан шу яшил дўстларимиз шарофати билан бизлар мавжудмиз, ҳаётимиз. Сўз сўнгида ушбу машҳур жумлани келтириб ўтиш жоиз: “Она-замин бизларга ота-боболаримиздан қолган мерос эмас, балки уни келажак авлодлардан қарзга олганмиз”.

«ИСТИҚЛОЛ: замонамиз қаҳрамонлари»

Маълумки, 2005 йилда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши биргаликда ёш авлоднинг истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, китобхоннинг замон қаҳрамонлари тимсоли акс этган бадий асарларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида “ИСТИҚЛОЛ: замонамиз қаҳрамонлари” танловини эълон қилган эди. Танлов тўғрисида республикамиз марказий нашрларида бир неча бор эълон берилди. Хусусан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Соғлом авлод”, “Хурият”, “Зеркало XXI” каби қатор газеталарда танлов шартлари ва талаблари батафсил ёритилди.

Танловга тақдим этилган асарлар агентлик қошидаги бош муҳаррирлар жамоатчилиги кенгаши аъзолари, таниқли ношир ва адиблардан иборат махсус ҳайъат томонидан атрофлиқа ўрганилиб, уларнинг ақсариятида танлов шартлари тўла адо этилмаганлиги қайд этилди: Айрим ижодий ишлар бевосита асосий мавзунини ёритишга йўналтирилмаганлиги, бадий кашфиётлар даражасида эмаслигини инобатга олиб, ташкилотчилар “ИСТИҚЛОЛ: замонамиз қаҳрамонлари” танловини 2006

йил декабрь ойига қадар давом эттирилишини маълум қилади. Барча ижодкорларни, шоир ва адибларни, журналистларни ўзларининг энг сара асарлари билан ушбу танловда фаол иштирок этишга чақирамиз. Танлов шартлари ўзгармаган.

Демак, танлов давом этади!

«ИСТИҚЛОЛ: ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ёш авлоднинг истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, китобхоннинг замон руҳи акс этилган бадий асарларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида “ИСТИҚЛОЛ: ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ” танловини эълон қилди.

Танлов ёзуви ва шоирлар, журналистлар, барча ижодкорларни мустақил республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётини тубдан юксалтириш, янги давлат қуриш, фуқаролар жамиятини барпо этиш, маънавиятимизни юқори даражага кўтариш, мамлакатимиз хавфсизлигини, фуқароларимиз осойишталигини таъминлаш, ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиш жараёнлари, халқимизнинг орзу-умидлари, интилишларини ёрқин акс эттирувчи бадий асарлар яратишга чорлайди.

Мустақиллик йилларида ўз эрки, қадрини топиб, янги ҳаёт қуриш, моддий ва маънавий неъматлар яратишда, ўз халқининг тинчлиги, фаровонлиги, давлатнинг хавфсизлиги йўлида фидоийлик кўрсатиб, турли соҳаларда меҳнат қилаётган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонлар — замонамиз қаҳрамонларини, қалби Ватанга меҳр-муҳаббат ҳислар билан тўлган ўғил-қизларнинг ёрқин образларини яратиш, ҳаётини воқеа-ҳодисаларга бой, ўзбек тили, миллий романчилиги, шеърини аънаваларини акс эттирган сермазун асарлар яратиш танловнинг бош мақсади сифатида белгиланган.

Танловга мустақилликни мустаҳкамлашга, юрт иқтисодиётини, маънавиятимизни бойитишга, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда фидоийлик, қаҳрамонлик, мардлик, инсонпарварликни шарофлашга бағишланган қизиқарли, ёшлар дунёқарашини шакллантиришга ёрдам берадиган янги асарлар қабул қилинади.

Тақдим этилган асарлар икки қатор оралигида, 2 нусхада кўчирилган бўлиши лозим. Тақдим этилган қўлёзмалар ички тақризга берилиб, ғолиблар тақризчилар хулосаси асосида танлов ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов аънавий бўлиб, ҳайъат аъзолари, тақризчилар ва мутахассислар таркибига, муқофот пули миқдорига ўзгаришлар киритилиши мумкин.

“ИСТИҚЛОЛ: ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ” тан-

лови якуни 2006 йил 8 декабрь — Конституция кунини байрами арафасида эълон қилинади. Танловда ғолиб чиққан муаллифлар ёрлик ва пул муқофотлари билан тақдирланадилар.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги пул муқофоти ҳамда рағбатлантирувчи муқофотлар таъсис этилган.

Шеърини тўпламлар учун: — биринчи ўрин учун 2 миллион сўм; — иккита иккинчи ўрин учун 1 миллион сўмдан; — учта учинчи ўрин учун рағбатлантирувчи муқофотлар.

Насрий асарлар учун: — биринчи ўрин учун 2 миллион сўм; — иккита иккинчи ўрин учун 1 миллион сўмдан; — учта учинчи ўрин учун рағбатлантирувчи муқофотлар.

Танлов ғолибларининг асарлари имтиёзли равишда нашр этилади. Қўлёзмалар 2006 йилнинг 1 ноябригача Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйига топширилиши лозим.

Манзиллими: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Қўшимча маълумот учун телефонлар: 144-22-53, 144-11-19.

Бугун Қашқадарё O`zLiDeP аъзолари сони 8 мингдан ошган бўлса, уларнинг 40 фоизини ёшлар ташкил этмоқда. Ўтган давр мобайнида ёшларнинг орзу-ўйлари, қизиқишлари ва муаммоларини ўрганиш, улар қалбига кириб бориш, билим ва қобилиятларини озод юрт раванқи, халқ фаровонлиги, истиқлолни мустаҳкамлаш, юртимизни, мусаффо осмонимизни кўз қорачигидек асраш каби эзгу ишларга даъват этиш мақсадида қатор учрашув, мулоқот ва кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Мана икки йилдирки, вилоят мактаблари битирувчиларининг “Нурли оқшом” кечаси ва “Миллатнинг эртаси ёшлар қўлида” билимлар синови “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан ўтказилди.

Тадбирлар номигагина ўтказилмаслиги керак

O`zLiDeP Матбуот хизмати

Партия дастурида белгиланган ёшлар сиёсатини амалга ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш мақсадида “Ўзбек халқи ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмади”. “Биз Ўзбекистон фарзандларимиз” шиори остида вилоят ва туманларида ёшлар ватанпарварлик фестиваллари бўлиб ўтди. “Ишбилармон ўқувчи” кўрик-танловнинг республика босқичида Косон компьютер технологияси касб-хунар коллежи талабаси Ситорра Қораева фахрли биринчи ўринни эгаллагани ҳам бежиз эмас, албатта. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларида ёш тадбиркорларга қўмаклашиш ҳамда ёшлар учун янги иш ўринлари яратишга асосий эътибор қаратилганлиги боис, 264 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

O`zLiDeP фаоллари, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатларини жалб этган ҳолда болалар оромгоҳларида тарбияланаётган ёшлар учун спорт инвентарлари, кийим-кечаклар олиб берилди. Касб-хунар коллежлари ва лицейларда тахсил олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига стипендия тариқасида моддий ёрдамлар кўрсатиш аънамага айланган.

Карши шаҳридаги Журналистлар уйида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида партия фаоллари, юздан ортиқ ёшлар иштирок этди. Вилоят Кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Шахло Бердиёрова-нинг ҳисобот маърузасидан сўнг Қарши Муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси Жамшид Тўхтабоев, “Қашқадарё ёшлари” газетаси муҳбири Гулнора Маждидова ва бошқалар сўзга чиқиб, бўлим томонидан амалга оширилган ишлар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Ёшларимизнинг маънавий камолоти, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланишлари учун ҳали кўп иш қилишимиз керак, — деди Жамшид Тўхтабоев. — Тенгқурларимиз ўртасида истеъдодли ёшлар талайгина. Аммо ҳар доим ҳам қишлоқларда истиқомат қилаётган йигит-қизларнинг қобилиятларини намойён этиш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун гамхўрлик қилинмапти. Чунки қишлоқларда тадбирлар, спорт мусобақалари учун етарлича шароит яратилмаган. Ёшлар билан ишлаш бўлими ўз тадбирларини фақат вилоят ва туман марказларидагина эмас, кўпроқ қишлоқларда уюштирсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун бўлимнинг туманлардаги фаоллари ташаббускор ва фаолроқ бўлишлари талаб этилади.

Вилоятнинг Китоб, Шахрисабз, Фузур туманларида ёшлар билан ишлаш бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилаётганлиги ҳолда, айрим туманлардаги фаоллар етарли иш олиб боришмапти. Ташкил этилаётган тадбирларга туман марказидаги ёшларни жалб қилиш билан чекланиб қолинмоқда.

Тадбирда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ибройя қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими масъул ходимлари хусан Иброҳимов ва Дурбек Воҳидовлар иштирок этиб, бўлим олдида турган долзарб масалалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда O`zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” гуруҳининг янгиланган таркиби, Жамоатчилик Кенгаши таркиби тасдиқланди ҳамда гуруҳ ва Жамоатчилик Кенгашининг биринчи қўшма йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

ИТАЛИЯ

«Олға, Италия!» ортида қолди

Апеннин яриморотида жойлашган Италияда икки кун мобайнида бўлиб ўтган парламент сайловлари жаҳон матбуотининг диққат марказида турди. Чунки Италия — жаҳон сиёсатига, Европадаги воқеаларнинг боришига таъсир этувчи, ўз овози ва ўрнига эга давлатлардан бири. Айти сиёсий тадбирда фуқаролар иккита гигант — Еврокомиссиянинг собиқ раҳбари Романо Проди ва амалдаги бош вазир Сильвио Берлускони блоклари учун овоз бердилар.

Шерзод АРАПОВ

Дастлабки натижаларга қараганда, Проди бошчилигидаги сўл марказчи "Иттифок" блоки парламентнинг куйи палатасига ўтказилган сайловда Берлускони бошчилигидаги "Олға, Италия!" блокни атиги 0,1 фоиз фарқ билан ортида қолдирди. Бироқ парламентнинг юқори палатаси — Сенатта сайловларда эса Проди блоки кичик фарқ билан ғалаба қозонди. Айти натижа сўл марказчи блокнинг ғалабасини қадриятли равишда куйиши мумкинлигини таҳлилчилар бир овоздан таъкидламоқдалар. Негаки, уларнинг иқтисодий ислохотларини тўсиб қуйишга Берлускони тарафдорларининг кучи, эгаллаган ўринлари бемалол етади. Бу ҳолат яна ҳукумат инқирозини келтириб чиқармаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Бироқ сўл марказчиларнинг зафарли одими уларнинг мавқеи яна ўн йил олдинги ҳолатга қайтганини, ўнлар сиёсати ўзини оқламаганини кўрсатди.

Дарвоқе, кейинги 10 йил мобайнида "Олға, Италия!" блоки, ҳатто Берлускони сайлов кампаниясида шахсан иштирок этмаса-да, осонлик билан зафар кучишга муваффақ бўлаётган эди. Ушанда сўл марказчи коалиция заифлигидан унинг раҳбарлари ҳам тез-тез ўзгариб турарди. Ўн қанот кучлар муваффақиятига ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларга тўкин ҳаёт ваъда қилишнинг ўзи кифоя эди. Бу ўз навбатида кенг истеъмол моллари нархининг кўтарилишига олиб келди. "Олға, Италия!" блоки сўнги сайловда ёшларни иш билан таъминлашга ҳам ваъда берди. Ҳукумат, албатта, ишсизлик даражасини сезиларли даражада камайтиришга эришди. Аммо бунга вақтинчалик ишга ёллаш йўлидаги қонун орқали эришилди. Натижада ёшлар 3-4 ойлик иш билан таъминланган бўлсалар-да, доимий иш ўрнига эга қилишари сони камайиб кетди. Бундан ташқари, ҳукумат ҳар йили солиқ амнистиясини ўтказди. Шубҳасиз, мазкур чора омма орасида қўллаб-қувватланди. Лекин ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига фойдаси бўлмади. Ак-

сига олиб, бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 4,2 фоизигача ўсди. Бу эса молиявий барқарорлик ҳақидаги Европа пактини бузиш саналарди. Мазкур ҳужжатга кўра, бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизидан ошмаслиги керак.

2001 йилдан бери ўн марказчилар Италияда бирор-бир сайлов кампаниясида ютолмадилар. Улар мунтазам равишда минтақавий ва муниципал сайловларда, ҳатто университет ректорларининг танловида мағлубият аламини торттиришга мажбур бўлдилар. Оқибатда 2005 йилга келиб, Европа жанубидаги 60 миллионли бу мамлакат ўн ҳукумат бошқарадиган сўл мамлакатга айланиб улгурди. Сильвио Берлускони учун сўнги ва сезиларли мағлубият ўнларнинг 2005 йил апрелида минтақавий сайловлардаги муваффақиятсизлиги бўлди. Ушанда сўллар йигирмата вилоятнинг ўн олти тасида зафар кучдилар. Охир-оқибатда, Сильвио Берлускони футболга хос атамани қўлаб: "Ўзим майдонга тушимга ва ортимдан командани эргаштиришимга тўри келаяпти", — дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, у "майдонга тушишга", деярли ҳар куни кўп сонли мухлисарига эга телеканаллар орқали чиқишга, солиқларни пайсантиришдан торттиришга мағлубиятга қадар масалаларда фикр юритишга мажбур бўлди. Натижада шахсий рейтинг, қолаверса, партиясининг обрў-эйтибори жадаллик билан ўсди. "Олға, Италия!" блокнинг рейтингини Берлускони шахсиятига кўп жихатдан боғлиқ бўлганлиги боис бош вазир ҳукуматни сақлаб қолиш илҳамида сайлов ислохотини ўтказишга мажбур бўлди. Сайловнинг моҳирлар тизими (партиялардан кўрсатилган номзодлар учун овоз бериш) мутаносиблик (партиявий рўйхат бўйича овоз бериш) кўринишига алмаштирилди. Бу ҳол ўн марказчиларнинг имкониятларини янада оширди. Чунки сўллар мамлакатда кўп қўл кўрган минтақавий сиёсатчиларга эга бўлсалар-да, ёрқин миллий етакчилари йўқ эди, аксин-

ИТАЛИЯДА БЎЛИБ ЎТГАН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИДА РОМАНО ПРОДИ РАҲБАРЛИГИДАГИ СЎЛ МАРКАЗЧИ "ИТТИФОК" БЛОКИ АМАЛДАГИ БОШ ВАЗИР СИЛЬВИО БЕРЛУСКОНИНИНГ "ОЛҒА, ИТАЛИЯ!" БЛОКИ УСТИДАН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ



ча, ўнларда кўзга кўринган минтақавий сиёсатчилар етишмас, бироқ Сильвио Берлускони каби миллий лидерлар мавжуд эди.

Амалдаги бош вазирнинг дадил одимларига унинг блоки орасидаги келишмовчиликлар, Америка бошчилигидаги Ироққа қарши коалицияга кириш, бу ерда кўрилган талофатлар, Италия фуқароларининг гаровга олиниш ҳодисалари, қолаверса, ўзига қаршли хусусий ҳамда давлат телевидениеси халал берди. Яъни 1996 йил қабул қилинган қонунга кўра, номзодлар оммавий ахборот воситаларидан теппа-тенг фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Буни

яқши тушунган Берлускони қонунни парламентда бекор қилишга уриниб кўрди. Сўллар мазкур уринишга бирор-бир қаршилиқ кўрсатолмасликларини аниқ эди. Бироқ коалициядаги иттифокчи Жанфранко Финининг "Миллий Альянс" партиясини бекор қилишга қарши овоз берди. Сайловдаги тадбирлар ҳам жуда кескин ва мурасиз руҳда ўтди. Айниқса, ҳар икки блок вакилларининг бир-бирларини турли воситалар билан айблашга зўр беришлари шундан далолатдир. Биргина Берлускони сўл марказчи коалиция турли мақсадларни кўзлаган партиялардан иборат

бўлганлиги учун ҳокимиятга келар-келмас парчаланиб кетишини, муваққат номзод Романо Проди ички сиёсий амбициялар туфайли ҳукуматни бошқаришни эплай олмаслигини такрорлашдан чарчамади. Жаноб Берлускони учун баёнотлари сўл марказчи муҳолифатни жипслашишга ва беш йил мобайнида Романо Продини қўллаб-қувватлаш ҳақида гапиришга мажбур этди. Муҳолиф коалиция Проди атрофида уюшгани, мамлакатдаги барча сиёсий кучлар — қасаба уюшмаларидан торттириб, саноат иттифокчига уларни қўллаб-қувватлаётганига ишонч ҳосил қилган бош вазир популистик (қўчмас мулк солиғини, ахлат олиб кетилгани учун ҳақ тўлашни бекор қилиш) ваъдалар бериш ҳамда тўғридан-тўғри шахсни ҳақоратлаш йўлини тутди. Натижада бутун мамлакат, ҳатто иттифокчилари ва душманлари уни тарбиясизликда, ёлғончиликда айблашга мажбур бўлдилар. Бу хатти-ҳаракатларнинг барчаси эндиликда собиқ бош вазирга айланаётган Берлускони зарарига ишладди. Италияда янги сиёсий кучларнинг ҳокимият тепасига келиши мамлакатнинг АҚШ, Россия ва Хитой каби кудратли давлатлар билан муносабатларига унчалик катта таъсир кўрсатмаслигини кузатувчилар яқдиллик билан таъкидламоқдалар. Шунинг эътирофи эди кераки, Сильвио Берлускони Фарб давлатлари қаторида Россия президенти Владимир Путин билан дўстона муносабатларни сақлаб қолган Европа сиёсатчиларидан бири эди. Айнаун у Римда ўтган Россия-Европа Иттифоқи саммитида расмий Москвани Чеченистон ва "ЮКОС иши" масалаларида қўллаб-қувватлагани. Қолаверса, 2005 йил апрель ойидаги ҳукумат инқирозига қарамай, айрим америкалараст сиёсатчилардан фарқли ўларок, баҳонани бир четга йиғиштириб қўйиб, Москвадаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги тантаналарида иштирок этди. Кузатувчиларнинг фикрича, Романо Проди бошчилигидаги ҳукумат Европа Иттифоқи доирасидаги интеграция жараёнларини кучайтиришга интилиши башорат қилинмоқда. Унинг Еврокомиссия раиси лавозимидеги фаолияти бунга сабаб қилиб кўрсатилаётди.

БЕЛАРУСЬ

Кейинги пайтларда АҚШ ва Европа Иттифоқининг демократия ниқоби остида мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашуш ҳоллари кўпайиб бормоқда.

Эски ўйин давом этмоқда

Бу эса "Ким биз билан бўлмаса, бизга қарши" таъмоилини эслатади. Европа Иттифоқининг 31 нафар Беларусь амалдорини ўз ҳудудида киришини таъқиқлаб қўйгани бунинг яққол исботидир. Республика ташқи ишлар вазирлиги европалик амалдорларга қарши ҳудди шундай жазо чораларини қўлланиши билан таҳдид қилди. Беларусь ташқи сиёсат маҳкамаси вакилининг сўзларига қараганда, Европа Иттифоқининг қарори узокни кўра олмаслик ва самарасиз чорадир. Аслида халқ танловида аралашуш фуқароларнинг ўз мамлақатида бошқаларнинг кўрсатмасига кўра эмас, ўз билганича яшаш ҳуқуқини рад этиш билан баробардир. Эслатиб ўтавид, Беларусда ўтказилган президентлик сайловида Фарб иродасига бўйсунмайдиган Александр Лукашенко учинчи мартаба ғалаба қозонганлиги Европа Иттифоқи ва АҚШни жиддий ташвишга солиб қўйди. Уларнинг хоҳишига кўра, халқ ишончини қозонмаган бўлса-да, Фарбга қуллук қиладиган муҳолифат етакчилари ҳокимият тепасига келиши керак эди.

КИРГИЗИСТОН

Ҳукумат сиёсатдан холи

Қирғизистон Президенти Курмонбек Бақиев Вазирлар Маҳкамаси аъзолардан 13 апрелга қадар партиялардаги фаолиятларини тўхтатишни талаб этди.

Давлат раҳбарининг фикрича, ҳокимиятнинг ижрочи бўлинидаги айрим мансабдорлар ўзининг асосий иши бир ёқда қолиб, амалдаги қонунчиликка зид равишда партиявий ишлар билан шуғулланмоқдалар. Шу муносабат билан президент сиёсий партиялар сафида бўлган вазирлардан аниқ йўлни танлаб олишни сўради. Улар бош вазир Феликс Куловга ўхшаб ё партия аъзоларидан чиқишлари, ёки эгаллаб турган лавозимларидан кетишлари хусусида ариза ёзишлари керак. "Ҳам у ишни, ҳам бу ишни бир вақтнинг ўзида бажариш йўл қўйиб бўлмас ҳолдир", — деди Бақиев.


ЭРОН

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабар беришича, АҚШ ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги қарама-қаршилиқлар янги босқичга ўтди. Эндиликда Эрон қуруқ жавоб таҳдидлари билан чекланаётгани йўқ.

Жосус самолёт ҳалокати

Маркс ЮСУПОВ тайёрлади.

Ҳарбийларнинг мамлакат жанубидаги Америка самолётини йўқ қилишганлари бунга мисол бўлиши мумкин. Расмий Төҳрон Вашингтон бу мамлакатга қарши ядровий зарба беришга тайёрланыпти, деган мазмундаги матбуот хабарларига ана шундай жавоб қайтарди. Франс-пресс агентлигининг "Жумҳури исломий" газетасига таяниб тарқатган маълумотига кўра, Эрон жанубида уриб туширилган лайнер АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қаршли учувчисиз бошқариладиган жосуслик самолётидир. Ҳарбийлар мазкур самолёт Ироқдан учиб келиб, чегара объектлар



рени суратга олаётганини айтишган. Воқеа Жорж Буш розилиги билан Пентагон тактик ядровий қуролдан фойдаланган ҳолда Эрондаги объектларга ҳарбий зарба беришга тайёргарлик кўраётганлиги ҳақида "New Yorker" газетасида мақола пайдо бўлган куни рўй берди. Ушбу мақола иққала мамлакат расмийлари орасида катта шов-шув уйғотди. Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Хамид Ризо Осифий бундай мақолалар — "психологик уруш"нинг бир кўриниши, деб таърифлади. АҚШ президенти Жорж Бушнинг фикрича, бу борадаги маълумотлар "ёввойи уйдирма"дан бошқа нарса эмас. Америка маъмуриятининг расмий доиралари Вашингтон Эрон ядровий дастурини дипломатик йўллар билан ечишга уринаётганлигини, бироқ бошқа имкониятлар ҳам эътиборда турганини таъкидлашдан чарчамаптилар.

ТАҒСИЛОТЛАР

ВОҚЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

ХОЛИС ФИКР

МОЛДОВА


Виночилар инқирози

Маълумки, санитария талабларига жавоб бермаганлиги учун Россия Молдова ва Грузия вино маҳсулотларининг кириб келишини таъқиқлаб қўйган эди. Улардан фарқли ўларок, Днестрбуйида ишлаб чиқарилган вино-коньяк маҳсулотлари чакана савдо тармоқларидан олинмаяпти.

Бу ҳақда Молдова вино экспортчилари ассоциациясининг раиси Георгий Козуб баёнот берди. Унинг сўзларига кўра, бундай маълумот виночилар компанияларининг Россияга ташриф билан борган вакиллари билан тушган. Аввал хабар қилинганидек,

санитария меъёрлари бузилгани аниқланганлиги сабабли 27 мартдан эътиборан Молдова ва Грузия виноларининг Россияга келтирилиши таъқиқланган эди. Текширув натижаларига қараганда, ҳар икки мамлакат вино маҳсулотларининг ярмидан кўпроги

физик ва кимёвий меъёрлар талабига жавоб бермайди. Бундан ташқари, уларнинг таркибида пестицидлар борлиги аниқланган. Жорий этилган таъқиқ туфайли Молдовада вино ишлаб чиқариш тўхтаб қолган. Чунки республикада ишлаб чиқарилаётган спиртли ичимликларнинг 85 фоизи Россияга экспорт қилинарди. Шу боис Молдова виночилари кунига миллионлаб доллар миқдоридан зарар кўрмоқдалар. Республика иқтисодиётининг бош тармоғида машғул ярим миллионга яқин киши ишсиз қолмоқда.



ФУТБОЛ

«Пахтакор» — гуруҳ пешқадами

Кеча пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионда Осиё Чемпионлар лигаси баҳслари иштирокчиси — «Пахтакор» Эроннинг «Фулад» жамоасини қабул қилиб, кескин ва муросасиз кечган баҳсда 2:0 ҳисобида галаба қозонди.



Ойбек ЭОКИРОВ

Шу куни ўйиндан аввал «пахтакорчи»лар мураббийи Валерий Непомнящий шоғирларига фақат галаба қозониш кераклигини уқтирган бўлиши аниқ. Сабаби — ўтган тур учрашувининг сўнгги дақиқаларида дарвозаларидан икки тўп олиб чиқиб, оқибатда Кувейтнинг «Қодасия» жамоасидан мағлуб бўлган футболчиларимиз қимматли уч очкодан маҳрум этилгандилар. Мусобақанинг кейинги босқичи — чоракфиналга гуруҳдан фақат битта жамоа чи-

қисини инобатга олсак, «Пахтакор»нинг, айниқса ўз майдонида галаба қозониши сув ва ҳаводек зарур эди.

Шу боис ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ, ҳужумкор ўйин намойиш этган мезонлар тезда тўп киритишга муваффақ бўлишди. 12-дақиқада жарима майдонига ёриб кирган Зай-

ниддин Тожиев тўпни усталик билан меҳмонлар посбони Эмадиннинг устидан ўтказган ҳолда дарвозага йўллади. Йигирма дақиқадан сўнг эса ҳисоб йириклашди: жарима майдони яқинида З.Тожиев химоячилар томонидан йиқитилган, ҳакам эронликлар дарвозаси томон жарима тўпи белгилади. Сервер Жепаровнинг Мир-

жалол Қосимов услубида йўллаган зарбаси эса стандарт ҳолатнинг гол билан яқунлигини таъминлади. Тенг курашлар остида давом этган иккинчи бўлимда гарчи меҳмонлар (бир футболчига қизил картонча кўрсатилгани сабабли) майдонда камчилик бўлиб ҳаракат қилишса-да, ҳисоб ўзгармади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

17-23 апрель кунлари учун

ҚЎЙ. Ҳафта бошида омад сизни бироз четлаб ўтади. Шу боис катта молиявий келишувларни, муҳим учрашувларни пайшанба ва ундан кейинги кунларга қолдирганингиз маъқул. Лойиҳаларингизга янги ишчи кучи жалб қилмасангиз, мақсадингизга эришингиз қийин кечади.

БЎЗОҚ. Душанба куни роса меҳнат қилсангиз-да, мақтов ўрнига аччиқ танбехлар эшитишга мажбур бўласиз. Аммо ҳафта охирида оғир кунлар ўрнини бахтиёр онлар эгаллайди. Жумладан, дам олиш кунлари шахсий ҳаётингизда катта ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР. Фараз ниятли одамлар ҳар хил майда-чуйда гаплар билан кайфиятингизни бузишга ҳаракат қилишади. Аммо сиз бундай гийбатларни дилингизга яқин олманг. Пайшанба куни тadbиркорлик билан шуғулланувчи «эгизаклар» чўнтагига мўмай пул тушиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА. Қўлимга пул тушар экан, деб ҳамма нарсангизни сотиб юбораверманг. Акс ҳолда, яшаш жойисиз ёхуд ҳаёт учун ниҳоятда зарур бўлган бошқа нарсаларсиз қолиб кетишингиз мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида, чорраҳанинг қайси ерида бўлишингиздан қатъий назар, йўлингизни яшил чироқ ёритиб туради.

АРСЛОН. Янги иш бошлаш ва фаолиятни кенгайтириш учун қулай ҳафта. Иш жараёнида тавakkал қилишдан қўрқманг. Зеро, тавakkалчиликдан воз кечишингиз ўзи энг хавфли тавakkалдир. Пайшанба куни кайфиятингизни аъло даражага кўтарадиган хабар эшитасиз.

ПАРИЗОД. Ҳафтанинг биринчи ярмида бизнесингизни ривожлантириш учун қулай шароит пайдо бўлади. Шундай экан, фурсатни бой берманг. Асосийси — ишлаганингизга яраша ҳақингизни талаб қилинг. Зеро, ана шундай пайтда барча истаклар бир зумда бажо келтирилади.

ДИҚҚАТ: КУЛАЙЛИК



НОШИРЛИК УЙИ
КЕЧАЮ КУНДУЗ
ИШЛАЙДИ!

Корхона ва ташкилотлар учун фирма бланкалари, китоб, буклет, ташриф қоғозлари ва бошқа турдаги босма маҳсулотларни арзон нархларда чоп этади ва бюромчиларга белгиланган муддатда etkazиб беради.
Телефонлар: (8-371) 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81. 332-45-01

ТАРОЗИ. Ҳафта «тарози»лар учун ниҳоятда омадли келиши кутилмоқда. Масалан, бирор-бир ресторанинг мингинчи ёхуд ўн мингинчи миқзои деб топилиб, бепул шохона тушликка таклиф этилсангиз ёки лотереядан катта соврин ютганингизни эшитсангиз, ҳайрон бўлманг.

ЧАЁН. Катта танлафуддан сўнг, ниҳоят, молиявий аҳволингизни яхшилаб олиб, хондонингизда мавжуд қатор муаммоларни бартараф этасиз. Иш жойингизда яратилган янги муҳит кайфиятингизни кўтарди. Жума куни хайрли ишларга қўл урасиз.

ЎҚОТАР. Ҳафта аввалида пул кетидан қувиб, янги ишга қўл урмаганингиз маъқул. Ҳарчанд уринманг, ҳаракатларингиз самарасиз бўлади. Яхшиси, - айнан шу кунларда имконият топиб, бир-икки кун баҳаво масканларда дам олинг. Жумадан бошлаб эса чала қолиб кетган ишларни охирига etkazишга киришинг.

ТОҒЭЧКИСИ. Айнан шу ҳафтада амалга оширилдиган ишларингизни аввалдан белгиланган қатъий режа асосида бажаринг. Жумладан, касбга оид муҳим ишлар, оила, дам олиш ёки соғлиқни тиклаш учун алоҳида ажратилган вақтдан фойдаланинг. Шундагина сиз юлдузлар «ваъда қилган» кўнгилсизликларнинг олдини олишга муваффақ бўласиз.

ҚОВҒА. Мазкур бурж вакиллари учун ҳафтанинг тоқ кунлари омадли келишини айтиш ўринли. Муҳим учрашувлар ва жамоат ишларида қатнашиб, ҳаммамнинг диққат марказида бўласиз. Уйингиздаги эски сандикдан, ертўла ёхуд чордоқдан эса кутилмаганда ноёб топила чиқиши кутилмоқда.

БАЛИҚ. Сешанба ва чоршанба кунлари амалга оширилган пул билан боғлиқ «операция»ларингиз муваффақиятсиз яқунлигини мумкин. Фарзандларингиз билан боғлиқ муаммоларни оиланингизнинг катта аъзолари билан бамаслаҳат ҳолда ҳал қилинг. Дам олиш кунларини том маънода ҳордиқ чиқариб ўтказасиз.



КУРАШ

Ўзбек кураши жаҳонни забт этмоқда

Сир эмас: миллий қадриятларимиз сирасига кирувчи спорт тури — кураш кейинги йилларда бирин-кетин жаҳонни забт этиб бормоқда. Зеро, халқаро майдонда расмий равишда бор-йўғи бундан етти-саккиз йил аввал пайдо бўлган ушбу спорт тури бугун миллий федерациялар ёрдамида дунёнинг 70 дан ортақ мамлакатига қуриб бориб, минглаб мухлислар қалбларини ром этди.

Ўтган ҳафтада мазкур жараённинг боришини ўз назоратига олган Халқаро кураш ассоциациясининг (ХКА) президенти Комилжон Юсупов бошчилигидаги делегация дунёнинг 204 та давлати олимпия кўмиталарини жамлаган Миллий олимпия кўмиталари ассоциацияси — МОҚАнинг Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган XV ассамблеяси ишида қатнашди. Бош ассамблеянинг тантанали очилиш маросимида Жанубий Корея ҳукумати бошлиғи Но Му Хен ва Халқаро Олимпия кўмитаси (ХОК) президенти Жак Рогге иштирок этдилар.

Ассамблея давомиде ХКА делегацияси МОҚА президенти, ХОҚнинг ижроия кўмитаси аъзоси Марио Васкес Ранья билан учрашди. Учрашувда курашни дунёнинг турли мамлакатларида оммавий спорт тури даражасига кўтариш, жумладан, уни бўлажақ Панамерика ўйинлари дастурига киритиш масалалари қўриб чиқилди. Тадбир сўнгида ХКАнинг энг нуфузли мукофоти — «Олтин орден» билан тақдирланган жаноб Ранья Панамерика кураш уюшмасининг фахрий президенти этиб сайланди.

Ундан ташқари, ХКА делегацияси вакиллари Жусеонни зиёрат қилдилар. Эътиборли томони шундаки, мазкур шаҳарнинг бутун мамлакатга машҳур техника коллежиде ўқув юрти раҳбарияти ва Корея Кураш ассоциацияси томонидан ташкиллаштирилган ўзбек кураши бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Шу ўринда минглаб томошабинларни йиққан ушбу турнир Юртбошимиз Ислам Каримовнинг бир-икки кун аввал Корея Республикасига давлат ташрифи муносабати билан ўтказилганлигини айтиб ўтиш жоиз.

БОКС

Шароф Худойбердиев мураббийлигидаги терма жамоамиз аъзолари Бангкок шаҳрида анъанавий «Таиланд қироли кубоги»да муваффақиятли иштирок этиб, куни-кеча юртларига қайтиб келишди.

Битта олтин, иккита кумуш ва битта бронза

Моҳир боксчимиз Ўткирбек Ҳайдаров навбатдаги олтин медални қўлга киритди

Олимпия ўйинлари қоидалари бўйича ўтказилган мазкур мусобақада йигирма давлатдан ташриф буюрган 100 нафардан ортақ хаваскор боксчи ўн бир вазн тоифасида кураш олиб борди. 51, 66 ва 91 кг.дан ортақ вазнлардан бошқа барча вазнда қатнашган саккиз нафар ҳамюртимизнинг тўрт нафари турли даражадаги медалларга сазовор бўлди. Жумладан, 2004 йилги Афина Олимпиадасининг бронза медали соҳиби Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.) ўз вазнида тенгсиз деб топилиб бўлса, Баҳодир Султонов (57 кг.) ва Дилшод Маҳмудовга (64 кг.) кумуш медаллар насиб этди. Оғир (91 кг.гача) вазнда жанг қилган вакилимиз Жасур Матчонов бронза медални қўлга киритиш билан кифояланди.

ЮНОН-РУМ ВА ЭРКИН КУРАШ

Муносиб ўринбосарлар

Қозғоғистоннинг Алмати шаҳрида юнон-рум ва эркин кураш бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Асосан шижоатли ёшлардан таркиб топанг Узбекистон терма жамоаси вакиллари нисбатан катта ёшдаги рақиблирига қарши гиламга чиқиб, ўз иштироклари билан келажақда Абдулла Тангриев ва Тимур Таймазов каби тажрибали фахрийлар ўрнини боса олишларини амалда исботлашди.

Курашнинг юнон-рум йўналиши бўйича ҳамюртларимиз Бахтиёр Имомов (60 кг. вазнда), Равшан Рўзиқулов (66 кг.), Жаҳонгир Мўминов (74 кг.), Денис Здориков (84 кг.) ва Абдумалик Алиев (96 кг.гача) биттадан, жами бешта бронза медални қўлга киритган бўлсалар, эркин курашчиларимиз битта кумуш ва битта бронза медалга сазовор бўлишди. Хусусан, Заурбек Соҳиев (84 кг.) финал баҳсида мўғулистонлик курашчи томонидан мағлуб этилган бўлса, Арслон Худойлиев (66 кг.) совринлар қаторига яна битта бронза медални қўшиб қўйди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ

ЭЪТИРОФ

РЕКЛАМА

Advertisement for 'Моя мечта' (My Dream) featuring various oil products and the text 'FEBP Oltin medali Geneva 2005'.

Advertisement for 'То'htaniyoz-ota' (Tohtaniyoz-ota) featuring Gemelli products and the text 'Лучшее для Вас от То'htaniyoz-ota'.

Advertisement for 'KIM OSHDI SAVDOLARI' (Who Sold?) featuring a woman and the text 'Биржа савдолари душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳамда аукцион савдолари пайшанба кунлари ташкил этилади.'

Advertisement for 'KORXONA VA TASHKILOTLAR, IShBILARMON VA TADBIRKORLAR DIQqATIGA' (Attention to factories, organizations, entrepreneurs and business managers) featuring pillows and the text '«Ўзбекибод» ишлаб чиқариш фирмаси полипропилен қопларни таклиф этади.'

Advertisement for 'TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI' (Tashkent City Municipal Stock Exchange Center) and 'MULKDORGA HAMKOR' (Partner for Investors) with contact information.

Advertisement for 'ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ' (Public Committee) listing members like КЕНГАШ РАИСИ Мухаммадюсуп ТЕШАБОВ.

Advertisement for 'ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ' (Public Committee) listing members like АБДУЛАЗИЗ АБДУЛЛАЕВ, АДХАМ ШАДМАНОВ, АКРОМ АЛИМОВ.

Advertisement for 'ТАХРИРИЯТ' (Editorial) listing staff members like АБДУВАЛИ СОИБНАЗАРОВ, МАРКС ЮСУПОВ.

Advertisement for 'МАТН ТЕРУВЧИЛАР' (Text Editors) listing staff members like НИГОРА ЖЎРАЕВА, ЗАМИРА АҲМЕДОВА.

Advertisement for 'БЎЛИМЛАР' (Departments) listing various departments like ПАРТИЯ ТУРМУШИ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ.

Advertisement for 'Навбатчилар: Т. АБДУРАҲМОНОВ, Ш. ХЎЖАЕВ.'

Advertisement for '«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи' (Uzbekistan Publishing-Printing and Creative House) listing services like Корхона маъзили: Тошкент шаҳри, «Навий» кўчаси, 30.

Advertisement for 'Буюртма рақами: J-2279 Тираж: 17045'.

Advertisement for 'PRI - тижорат белгиси'.

Advertisement for 'МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.'

Advertisement for '«XXI ASR» иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.'

Advertisement for 'ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нусус» кўчаси, 73-уй.'

Advertisement for 'ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborot21asr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com XXI_ASR@doda.uz'.

Advertisement for '«XXI ASR» дан олинган маълумотларда маъно сифатида газетанинг кўрсатилгани шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.'

Advertisement for 'НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406'.

Advertisement for 'БОШ МУҲАРРИР Миродил АБДУРАҲМОНОВ.'

Advertisement for 'ASR' logo.

Advertisement for 'БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ'.

Advertisement for '«ASR» EKSPRESS-MEDIA'.

Advertisement for 'НОШИРЛИК УЙИ ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.'

Advertisement for 'Mila PRESS'.

Advertisement for 'РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ Тел: (998-71) 151-29-52. E-mail: milapress@yahoo.com'.